



Ҳасанҷон

*«Гўрўғли» туркумига кирган бу дostonда эл-юрт мудофаа-
си, мамлакатлар ўртасида тинчлик-осойишталик ўрнатиш,
мардлик, чин дўстлик ғоялари илгари сурилиб, Ҳасанхоннинг
Гўрўғли билан ота-бола тутиниши ва унинг Чамбилга олиб
келиниши куйланади.*

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Айтувчи Зоҳир Қўчқоров
Нашрга тайёрловчи М. Мирзаева
Масъул муҳаррир М. Саидов

ДОСТОН ҲАҚИДА

Қўлингиздаги достонни Зоҳир шоир Қўчқор ўғли айтган. Зоҳир Қўчқоров 1920 й.н.тн Бухоро областининг Когон районидаги Охурберди қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Еш Зоҳир нарпайлик Ислон шоирга шогирд тушиб, йигннларга бирга бориб, айтишувларда қатнашиб, терма, достон айтишни машқ қилади. Зоҳир шоирнинг айтишича, Ислон шоирдан 35 терма, 7 достон («Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Зулфизар», «Орзигул», «Хиромон», «Бўтакўз ойим», «Оймалика») ўрганиб олиб, кейинчалик ўзи ҳам терма, қўшиқлар тўқий бошлайди.

Зоҳир шоир қозир Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районида яшайди. Ундан бир неча терма, қўшиқлар, «Ҳасанхон», «Маҳлиқо» каби достонлар ёзиб олинган.

«Ҳасанхон» достони «Гўрўғли» туркумига киради. Бу асар Гўрўғли ҳақидаги достонларнинг давоми сифатида иккинчи авлод — насл ҳисобланган Ҳасанхон тўғрисида яратилган мустақил достондир. «Ҳасанхон» Гўрўғлининг эпик биографиясини тўлдириш билан бирга айни чоқда наслий туркумлик достони саналади, чунки у наслий туркумлик принципи асосида яратилган.

Ўзбек халқ достончилигида Ҳасанхон билан Авазхонга багишланган бир неча достон бор. Аммо ўзбек достончилигида «Ҳасанхон» кичик туркуми «Авазхон» кичик туркуми каби кенг тарқалмаган. Шунга қарамай, «Ҳасанхон» ва унинг уйланиши ҳақидаги «Далли», ўғли ҳақидаги «Равшан» достонлари «Гўрўғли» туркуми достонларида мустақил кичик туркуми ташкил этади. «Ҳасанхон» кичик туркуми Гўрўғлининг эпик биографияси ҳақидаги достонларга боғланади.

Эл-юрт мудофааси, мамлакатлар ўртасида тинчлик-

осойишталик ўрнатиш, мардлик, чин дўстлик «Ҳасанхон» дostonининг бош ғоясини ташкил этади. Унда эл-юрт мудофааси, яъни босқинчи қалмоқларга қарши кураш, Исфиҳон элида тинчлик-осойишталик, дўстлик муносабатларини ўрнатиш ва Ҳасанхоннинг Чамбилга олиб келиниши куйланади.

Дostonда Гўрўғли ўз эли — Чамбил вилоятини эмас, Одилшоҳнинг мамлакати — Исфиҳонни қалмоқлар ҳужумидан мудофаа қилади. Гўрўғли қирқ йигити билан бирга жанг қилиб, қалмоқлар ҳужумини бартараф этади ва уларни Исфиҳонга келмас қилиб юборади. Бу адолатли урушда Одилшоҳ лашкарлари ҳам Гўрўғли ва унинг қирқ йигити билан ҳамкорликда кураш олиб боради. Натижада Исфиҳонда тинчлик-осойишталик мангу ҳукмрон бўлиб қолади. Ана шу тариқа Гўрўғлининг Чамбил эли билан Одилшоҳнинг Исфиҳон мамлакати ўртасида чин дўстлик муносабатлари вужудга келади ва мустақамланади. Дostonда эл-юрт мудофааси йўлида олиб борилган жанг эпизодлари, бунда Гўрўғли ва унинг қирқ йигитининг босқинчиларга қақшатғич зарба берувчи адолатли уруши тасвири катта ўрин эгаллайди.

Чамбил вилоятининг подшоси Гўрўғли қирқ йигитига:

Азали тақдирдаги ншини кўрайлик,
Паноҳ истаганга ёрдам берайлик,
Қалмоқларман бориб саваш қилайлик,
Одилшоҳга бориб меҳмон бўлайлик,—

деб маслаҳат қилиб, Исфиҳон сари йўл олади. Йўлда Гўрўғли илгарилаб, қирқ йўлдоши орқасида қолиб кетади. Зарчашма бўйида назаркарда Ғиркўк отига дам бериб қирқ йигитини кутиб турганда, қалмоқлар Исфиҳонга сонсиз лашкар тортиб келиб қолади. Шунда орқада қолиб кетган қирқ йигитини йўқлаб Гўрўғлининг якка ўзи сонсиз душманга қарши жанг қилади. Бу адолатли урушда Гўрўғли, кейин етиб келган қирқ йигити билан қалмоқ лашкарларига қарши урушиб, уларни енгади, Қорахон подшони ўлдиради, ўз навбатида Одилшоҳ ҳам лашкарлари билан қалмоқларга зарба беради. Ғалабага эришган икки шоҳ Зарчашма бўйида учрашиб, суҳбатлашади. Шунда Исфиҳон подшоси Одилшоҳ Гўрўғлига қараб:

Қалмоқларнинг билмаганин билдирдинг,
Элимизни душманлардан тиндирдинг,

дейди.

Ўзбек халқ дostonларига хос хусусиятлардан бири шуки, уларда уруш тасвирланар экан, бунда босқинчилик сийсати, тамагирлик кўзда тутилмайди. «Ҳасанхон» дostonи ҳам худди шундай асарлардандир. «Ҳасанхон» дostonи чуқур халқчил асардир. Халқчиллик дostonнинг бошидан охиригача сингдириб юборилган. Дostonдаги Гўрўгли ва унинг қирқ йигити, Ҳасанхоннинг хатти-ҳаракатида халқ манфаати, орзу-истаги намоён бўлиб туради. Гўрўгли Исфиҳон элининг осойишталиги учун жанг қилар экан, у ўзининг Така-Евмит — Чамбилини, халқини бир нафас ҳам унутмайди.

Дostonдаги муҳим воқеалардан бири — Гўрўглининг Ҳасанхонни Чамбилга олиб келишидир. Маълумки, ўзбек халқ дostonчилигида Гўрўглининг тутинган ўгли Ҳасанхон баъзан темирчи оиласидан чиққан деб талқин этилса (бунга мисол қўлингиздаги дoston), баъзан хонбеклар оиласига мансуб қилиб қўйилади (Пўлкан, «Темирхонпошшо»). Шуни айтиш керакки, халқ дostonчилигида темирчи образи азалдан бордир. Профессор В. Жирмунскийнинг қайд қилишича, металлни ишлашдан хабари бўлган барча халқларнинг эпик поэзиясида темирчи образи мавжуд. Турмуш шароити, объектив воқелик эпик асарларга темирчи образининг киритилишини тақозо қилган. Душманни енгишда қўл келадиган қилични, қаҳрамони душман зарбидан асровчи қалқонни яшаш, отни тақалаш темирчининг вазифасидир. Буларнинг ҳаммаси эса барча халқ дostonларига хосдир. Ҳатто баъзи халқлар дostonларида темирчи образи асосий қаҳрамонлардан бири сифатида талқин этилади (карел-финларнинг «Калевала» дostonидаги темирчи Илмаринен образи). Темирчи образини биз қирғизларнинг «Манас»ида ҳам учратамиз. Мана шу нуқтан назардан қараганда «Ҳасанхон» дostonига темирчи Шодиён образи киритилиб, унинг ўгли Ҳасанхоннинг бош қаҳрамон тарзида берилиши реал воқеликка жуда мувофиқ келади.

Дарҳақиқат, Ҳасанхон оддий «темирчи» бўлиб, темирчи оиласига мансуб деган тушунча уни подшонинг ўгли дейишга қараганда ҳақиқатга яқиндир. Чунки оддий

халқ ўз қаҳрамонини ҳамма вақт ҳам юқори мартабали табақалар ичидан ахтармай, балки ўз ичидан қидиради ва турмуш шароити ҳамда ҳаёти, қисмати, одоб-тарбияси жиҳатдан ўзига ўхшаш бўлган шахслардан яратади. Бу билан халқ уни (қаҳрамонини) ўзига тобора яқинлаштиради ва ўзининг у билан биргалигини ифодалайди. Бу хусусда «Ҳасанхон» достонидаги халқ қаҳрамони — Ҳасанхоннинг оддий жафокаш темирчи уста оиласига мансуб қилиб тасвирланишини ўзбек халқ достончилигидаги бирдан-бир тўғри йўлдор, деб ҳисобламоқ керак. Ҳ. Зарифов ва В. Жирмунскийлар ҳам ўзларининг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобида ана шу мазмунда фикр юритишади. Шунингдек, «Гўрўғли» туркуми достонларининг озарбайжон версиясида ҳам Ҳасанхон «Темирчи ўғли» (Демурчи оғлу) сифатида тасвирланади. Ўзбек халқ достончилигида Ҳасанхон оддий меҳнаткаш оиласидан чиққан темирчи сифатида берилади. Достонда «Ҳасанхон Исфиҳон шаҳарлик Шодиёи темирчининг ўғлидир, Шодиёи ўғли Ҳасанхонга Сарибозор (даги) дўкониди ўз касбини ўргатди» дейди Зоҳир шоир.

Темирчи Ҳасанхон билан Гўрўғлининг танишиб, отабола тутиниш воқеаларига достондан кенг ўрин берилган ва бу масалани автор моҳирлик билан айта олган. Мана, Гўрўғли Исфиҳон дарвозасидан кириб, темирчилик расасининг олдидан ўтиб бораётиб, дўконлардан бирида бир ёш ўғлон, зебо йигитнинг болғани қўлига олиб, бир темирчи оловга қўйиб, оловдан олиб уриб ётганини кўради. Шунда у илгари тоғда, бир кийикни орқасидан қувиб, тириклайин тутмоқчи бўлиб юрган Ҳасанхон эканини билиб унга:

Устазода эй ёш ўғлон,
Дўконингга келгандурман,

Отим билсанг тулпардур,
Неча тоғлардан ошган,
Нағал қоқиб бер отга,—

дейди.

Шунда Ҳасанхон дўкондан чиқиб абзалини олиб, отни тақалашга киришади, ammo Гўрўғли икки охур тақани яроқсизга чиқаради, охири Ҳасанхон обжўши нағалдан олиб чиқиб қоқади. Буни кўриб Гўрўғлининг кўнгли тўлади. Гўрўғли қўл ҳақи учун кўлворидан бир ҳамён танга чиқариб беради, ўз навбатида ёш Ҳасанхон ҳам тангангизнинг муҳри йўқ, деб ҳаммасини ўйиб, қайириб

Ўтмасга чиқаради-да, ҳақини тўлаб кетинг, деб туриб олади. Гўрўғли Ҳасанхоннинг бу ишига қойил қолиб, «ақл-хушли, қувватли, мурувватли йигит экан» деб, икки дона олтин бериб устани рози қилади. Шу ўринда Гўрўғли Ҳасанхонга ўзининг кимлигини айтиб шундай та-ништиради:

Мени сўрсанг Чамбил элдан келарман,
Майдон-майдон Ғиротимни еларман.
Душман кўрсам нимта-нимта қиларман,
Қалмоқларнинг таъзирини берарман.
Юртингни душмандан озод этарман.

Маълумки, дoston қаҳрамонлари ўртасида жанговор дўст, ака-ука, ота-бола тутиниш мотиви халқ дostonчи-лигида кенг тарқалган азалий мотивлардан биридир. «Алпомиш» дostonида Алпомиш билан қалмоқ Қоражон-нинг, қирғизларнинг «Манас»да Манас билан Алмам-бетнинг ака-ука тутиниб, дўст киришуви бунга яққол мисол бўла олади.

«Ҳасанхон» дostonида эса ота-бола тутиниш мотиви берилиб, у дoston сюжетига сингиб кетган.

Гўрўғли Зарчашма бўйида қирқ йигитини кутар экан:

Улсам менинг фарзандим йўқ,
Туғмаса ҳам тутинган,
Бўлса эди кокилдорим,
Топширардим давлатимни.
Кўрсатардим ҳимматимни,
Ургатардим устодимни,—

деб фарзандсизлигидан нолийди. Темирчи Шодиён эса айш-ишратга берилиб, на эл иши билан, на ўз ўғли билан қизиқади, аксинча ўринсиз равишда бўлар-бўл-масга:

Сенга ишонсам менинг шўрим қурипти,
Дўконимни бўшат, йўқол кўзимдан,—

деб Ҳасанхонни койийди. Гўрўғли, агар паҳлавон ўғлон топилса, фарзанд тутинишга рози, Ҳасанхон эса отаси-нинг қилмишидан тоқати тоқ бўлиб, уйдан чиқиб кетишга ҳозир. Бундан ташқари, Ҳасанхон Гўрўғлининг мардлигига қойил қолади. Чамбилнинг обод мамлакат эканлигини эшитиб, унда у ерга бориш иштиёқи туғи-лади. Шунинг учун ҳам Гўрўғлининг:

Бефарзандлик сарғайтирди юзимни,
Чамбилга оп кетсам сендай қўзимни,
Биз билан бирга бўлгин, Ҳасанхон!

деган сўзларини эшитгач, Ҳасанхонда Гўрўғлига нисбатан меҳр пайдо бўлади. Гўрўғлининг мардлигини билиб, «Мардга мард бўлмоқ керак» деб, у билан ота-бола тутинади ва Чамбилга боришга рози бўлади. Шу тариқа бефарзанд Гўрўғли фарзандли бўлади, натижада иккинчи авлод — насл пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бу достонни наслий туркумлиқ принципи асосида яратилган деймиз.



Достоннинг бош қаҳрамонн Ҳасанхондир. Ўзбек фольклористикасида Ҳасанхон образини талқин этувчи ва унга тўлароқ характеристика берувчи бирорта ҳам илмий ахборот ёки мақола йўқ. Достонда Ҳасанхон мана бундай тасвирланади: «Ҳасанхон ширин сўзли, серфайзли, саратон юзли, кенг яғринли, новчадан келган, полвон жасадли, душманга сибсатли, дўстига меҳр-шафқатли йигит эди».

Достон бошланишида Ҳасанхон Шодийннинг ўғли, шогирд темирчи, оддий бола сифатида берилиб, унинг образи тадрижий равишда очиб борилади. Отасининг турмушда ўзини тутиши, бутун қилмиши Ҳасанхонга ёқмайди. Шунинг учун ҳам у отасига:

Ойим сенинг ақли-ҳушинг олгандир,
Шу феълнингга менинг кўнглим ўртанур.
Калмоқлар атрофни ўраб олгандир,
Исфиҳон шаҳрига душман келгандир,
Сен ётибсан билмай хонадоннингда,—

дейди.

Қаҳрамонлик, эл-юрт, ватанга хизмат қилиш, уни душмандан асрашдек олижаноб хислатлар Ҳасанхон образида мужассамлаштирилган. Ҳасанхон эл-юртга хизмат қилишдан юсакроқ бурчни билмайди. Бу борада Гўрўғлининг жасурлиги, кўрсатган қаҳрамонлиги Ҳасанхонга ёқиб тушади, шу билан бирга озодлик, адолат юрти бўлган Чамбил уни ўзига ром қилади.

Мазкур достон Ҳасанхон образининг шакллана бошлаган даврига бағишланганлиги учун унда Ҳасанхоннинг дастлабки жасоратлари тасвирланади. Ҳасанхон Гўрўғли билан бирга Зарчашма кўлининг бўйида қалмоқларга қарши олиб борган жангда биринчи бор жасорат кўрсатади. Шунда у ўзининг мардлиги, эпчиллиги ва

душманга қарши шафқатсиз курашувчи эканлигини намоён қилади.

Ҳасанхоннинг иккинчи жасорати Чамбилда содир бўлади. Гўрўғли ёнида қирқ йигити ва исфиҳонлик паҳлавон Ҳасанхон билан Чамбилга қайтиб келгач, эл-юртини йигиб Ҳасанхон шарафига тўй-томоша қилиб, ўн беш кунлик йўлдан пойга бердиради. Шунда Ҳасанхон ҳам пойгага қатнашиш учун рухсат сўрайди. Гўрўғли рози бўлади. Узоқ масофали пойгада, ман-ман деган пойгачиларнинг ҳаммасини орқада қолдириб кетган Ҳасанхон пойганинг олдини олиб пойгабоши бўлиб келади. Буни кўрган Гўрўғлининг Ҳасанхондан кўнгли тўлади. Шунда Гўрўғли йигилганларга мурожаат қилиб: «Менинг фарзандим йўқ туққандан, тутинган Ҳасанхон менга фарзанд бўлсин. Мисқол уни ёқасидан солиб, этагидан олсин» дейди. Шу пайт канизлар Ҳасанхонни Мисқолойнинг ёқасидан солиб, этагидан олишади. Мисқоллари Ҳасанхонни «туғмасам ҳам туққандан зиёд фарзандим», деб унга меҳр қўяди.

Достондаги иккинчи асосий ижобий қаҳрамон — Гўрўғли образидир. Гўрўғлининг қирқ йигити билан эл-юртини ҳимоя қилиши, босқинчи подшо ва эл душманларига қарши кураш олиб бориб, кенг халқ оммасини ҳимоя қилиши «Ҳасанхон» достонининг бошидан-охиригача сингдириб юборилган.

Гўрўғли Ҳасанхонни ёқтириб қолади, шунинг учун ҳам «тутинган Ҳасанхон менга фарзанд», деб унга бутун давлатини топширишга, бутун ҳимматини кўрсатишга, бой тажрибасини ўргатишга рози бўлади. Достонда Гўрўғлининг қаҳрамонлик фаолияти, унинг қирқ йигити, Фирот усталик билан тасвирланган.

«Ҳасанхон» достонида Ҳасанхон, Гўрўғли ва унинг қирқ йигитидан ташқари, яна бир характерли ижобий қаҳрамон бор. Бу Юсуфбек сардор образидир. Гўрўғли Асқар тоғига овга чиқиб, у ердан Исфиҳонни босқинчи қалмоқлар ҳужумидан ҳимоя қилиш учун у мамлакатга йўл олади. Қалмоқларнинг қаршилигини енгиб, Исфиҳонда тинч-осойишталик ўрнатгунча орадан хийла вақт ўтади. Бу вақт ичида Юсуфбек сардор Чамбилни сўраб туради. Буни Зоҳир шоир достонда кичик бир эпизод — детал билан жуда муваффақиятли кўрсата олган. Гўрўғлининг тоғаси Аҳмад сардор жиянидан гинадор. Гўрўғлининг Чамбилда йўқлигидан фойдаланиб, атрофига

кўп гайри йигитларни йигиб, «такти пойга» ҳужум қилди ва катта тўполон чиқаради. Шунда Юсуфбек сардор Чамбил йигитларига бошчилик қилиб, Аҳмад сардорнинг бу тўполонини бостиради ва шаҳарда осойишталик ўрнатади.

Мана шу Аҳмад сардор мазкур дostonдаги салбий образдир. Аҳмад сардор дostonда кўнгли қора одам, ички душман, бебурд шахс тарзида берилади.

Дostonнинг асосий салбий образи саналган юртбосар қалмоқлар шоҳи Қорахон ташқи душмандир. Қорахон адолатсиз жанг қилувчи жоҳил подшоларнинг типик вакилидир. Унинг жоҳиллиги дostonда жуда ишонарли қилиб айтилган.



Зоҳир шоир «Ҳасанхон» дostonида тасвирланган воқеалар тингловчи қалбига таъсир этиб, унга бадий завқ бериши учун ҳаракат қилган. Дoston оддий халқ тилида айтилган. Бадий воситалар: муболаға, метафора, халқ мақол ва афоризмлари, синоним сўзларни усталик билан ўринли ишлатган.

Хуллас, ўзбек халқининг машҳур дostonчиси Ислom шоир шогирдларидан бири—Зоҳир шоир Қўчқор ўғлининг бу дostonи ғоявий пишиқ, бадий пухта айтилган. У ўзбек халқ оғзаки адабиётининг намунаси сифатида адабий меросимиздан ўрин олади.

Муаззам Мирзаева.

Ҳасанхон — ширин сўзли, кулимсираган тарзли, саратон юлдузли, кенг яғринли, новчадан келган, полвон жасадли, душманга сиёсатли, дўстига меҳр-шафқатли йигит эди. У Исфиҳон шаҳридаги Шодиён деган темирчининг ўгли эди. Бу устанинг икки хотини бор эди: бирининг отини Мастоной, иккинчисини Бўстоной дер эди. Ҳасанхон Бўстонойнинг ўгли эди. Шодиён Мастонойни уй бекаси қилиб қўйди. Ҳасанхон ўғай онасининг зулмига чидаёлмай уйига ҳам келмасдан, отасидан гинадор бўлиб, дўконни юритар эди.

Ҳасанхон ўғлидан кўнгли тўлиб, темирчи:

— Мени ким сўраса, тўйга кетди денглар,— деб фақат кичик хотини билан кайфи-сафосини суриб ётар эди.

Чортоғли Чамбилдан Гўрўғли Султон қирқ йигити билан Асқар тоғни оралаб, ов қилиб, неча жондорларни яралаб, итолғи қушларни саралаб, Фироти хезланиб, қирқ йигити тезланиб, йўлдан ўтаётган карвонларнинг олдини тўсиб қолди. Карвонлар бу балони кўриб, хаёли қочиб, ранги ўчиб, бир-бири билан шивирлашиб, туялар қимирлашиб қолди. Шунда Гўрўғли карвонларга қараб бир сўз айтди:

Қатор қилиб тиркаб лўкча-ю норни,
Устига ортибсиз хазна-ю зарни,
Бориб кўрмоқчисиз қандай шаҳарни,
Сатанг бойваччалар, сизга йўл бўлсин?

Ўткинчига йўл бўлсин ул зийнатиинг,
Қандай шоҳга лойиқатли хизматиинг?
Нима дейди сениннг ўсган элатинг,
Йўл ўткинчи дўстлар, сизга йўл бўлсин?

Бойваччадек кийингансиз барингиз,
Айтинг борми сизни (нг) номус-орингиз?
Давлатманддай суюнгансиз барингиз,
Йўл азобин торткан дўстлар, йўл бўлсин?

Қандай шоҳнинг хизматкори бўласиз,
Шунча молни қайга олиб келасиз?
Сизлар кимлар билан савдо қиласиз?
Савдогар оғалар, сизга йўл бўлсин?

Гўрўғли дер, бугун сиздан сўрайман,
Тўғри айтсангизлар, жавоб берай ман.
Кимлигингизни ҳаққон билай ман,
Мусофир меҳмонлар, сизга йўл бўлсин?

Шунда карвонлар бу сўзни эшитиб, «тўғрига тўғри бўлмоқ керак. Яна ёмон, чакки сўз оғзимиздан чиқиб кетса, бу баччағарнинг феъли терсга ўхшайди, агар аччиғланса, бизларни тирик қўймас», деб карвонларнинг бир маҳмадонаси Гўрўғлига қараб бир сўз айтди:

Сўна-суқсур юзар ери кўл бўлсин,
Насиб бўлса, худо берса мўл бўлсин!
Йўл бўлсин деб биздан хоним сўрасанг,
Умринг узоқ, минганинг дулдул бўлсин!

Яхши ёрнинг лаби шакар, бол бўлсин!
Бу дунёда бефарзандлик қурисин!
Йўл бўлсин, деб хоним яхши сўрадинг,
Обло берсин сенинг мақсад-муродинг.

Бизни сўрсанг Исфиҳондан келамиз,
Чамбилнинг шаҳрини кўзлаб юрамиз.
Рухсат берса, агар бизга Гўрўғли,
Савдомизни Чамбил элга қиламиз.

Чамбил бозорига молни сотамиз,
Бизда йўқ нарсани олиб кетамиз.
Чамбилнинг йўлини бизга кўрсатинг,
Бизнинг подшомизни дейди Одилшоҳ,
Исфиҳондан Чамбил элга келамиз.

Шунда Гўрўғли айтди:

— Қани, Исфиҳон шаҳрида нима гаплар бор?

Карвон айтди:

«Эй хоним, нимасини сўрайсиз, эл тинч эмас, элимиз талашда. Қалмоқ гупослари уч йилдан буён элимизга ғазаб алангасини сочган. Кўп кўшин билан подшомиз Одилшоҳ лашкарлари саваш этмоқда,— деб бир нома — қогозни Гўрўғлига узатди, Гўрўғли хатни олиб шитирлатиб ниқобини йиртди; тилмочини қамчи билан туртди, тилмоч шивирлаб, хатни Гўрўғлига маъқуллатди: хатда Исфиҳон подшосининг тилидан шундай ёзилган:

Ассалом алайкум Чамбил подшоси,
Така-Туркман элининг пушти-паноси.
Исфиҳондан карвон юбордим сизга,
Бир олий ҳимматни кўрсатинг бизга!

Сизнинг зўрлигингиз оламга кетган,
Зарбингиздан душман аҳли қон ютгап.
Яхшига яхши, ёмонни титратган,
Сизни пано истаб карвон юбордим.

Қалмоқлар — душманлар ҳаддидан ошди,
Қутурган бадбахтлар заҳарин сочди.
Элимизни қўлдан бермай савашдик,
Бизда йўқ зотларни ўйлаб адашдик.

Сизни пано истаб юбордик карвон,
Рухсат беринг элингизга улуғ хон.
Бизнинг аҳволимиз билинг, ҳозир танг,
Қалмоқ душманлар билан қилиб жанг.

Одилшоҳ дер, сиздан паноҳ истаймиз,
Ушбу нома билан салом йўллаймиз.
Мардлигингиз туфайлидан шу замон,
Отингизни айтиб, сизни қўллаймиз.

Бек Гўрўғли мардга мардлик қилади. «Шоҳ биздан паноҳ истаса, биз унга қўлимиздан келган яхшиликни қилмоғимиз керак, буларни Чамбилга киришига рухсат бермоқ керак. Бугунги сафаримиз Исфиҳон бўлсин — бормоқ керак», деб Гўрўғли карвонларга йўл кўрсатиб, бир сўз айтди:

Шу йўл билан бораверинг, карвонлар,
Чамбил элга кираверинг, карвонлар!

Мен бўламан Чамбил элнинг подшоши,
Савдонгизни қилаверинг карвонлар!

Кўк саройни макон қилдим сизларга,
Молингизни сотинг Чамбил бозорда.
Нима керак топилади бизларда.
Арзон молни бизга қиммат сотманглар!

Арзончилик элга ғавғо этманглар!
Борингизлар, рухсат бердим сизларга,
Бизнинг элдан ноумед бўп кетманглар!

Бозор кўтариши савдо сизники,
Такжойини олмоқ расим бизники,
Ярашиққа кундал-кимҳоб қизники,
Яхши молнинг нархи элик, юзники.

Гўрўғли дер Исфиҳонга борайин,
Душман қалмоқларман саваш қилайин.
Борингизлар, сизга рухсат берайин,
Тезроқ жўнашлигингизни сўрайин!

Гўрўғли карвонлар берган хатнинг орқасига муҳрини босиб берди. «Ҳадди йўқ биров буларни ушласа... Гўрўғлини истаб келаётган карвонлар: «Эшакни йўқласа, қулоғи кўринади, дегандек Гўрўғлини худо олдимиздан пешвоз чиқарди. Емон бўлади деб ўйлаган эдим, худога шукур, инсоф берди», деб карвонлар бир-бирлари билан шивирлашиб, карвонни йўлга солиб, жиловни қўлга олиб, Гўрўғли билан хўшлашиб, қўрқоқлари бел букишиб таъзим қилди; (уларнинг) Гўрўғлидан кўнгли тўлди. Карвонлар йўлни чангитиб, бошини гангитиб йўл юриш билан Чамбил шаҳрига яқинлашиб келиб қолди. Гўрўғли қирқ йигити билан Асқар тоғида қолди.

Чамбил шаҳрининг олти дарвозаси бор эди, ҳар дарвозага посбонлар қўйилган эди. Сардобали, чортоғли Чамбил шаҳрига қандай шани-шавкат келса, посбонлар хабардор эди.

Чамбилга лўкча норга зери-забар, кундал, кимҳоб ортган уч юз чамали карвон яқинлашиб қолди.

Бу дарвоза олдида етти посбон бор эди; бошлиғини Сатторкал дер эди. Ургани банг, маст қилса ганг, кўргани жанг, кайфи бўлмаса, аҳволи танг эди. Сатторкал

кайфдан нашаси учган, хаёли қочган чоғда карвонлар тиркалиб дарвозага келиб қолди. Сатторкал бирдан қўлига таёғини олиб карвонларни тўхтатди, улар кираверса сиёсат билан олдидан чиқиб, туртиб, бир сўз айтди:

Баччағарлар тўхтат деса, турмайсан,
Қалтак есанг сира оғиз урмайсан.
Қайт орқанга ўзбошимча ғазотлар,
Хондан рухсатинг бўлмаса, кирмайсан!

Ҳали менинг кимлигимни билмайсан,
Аччиғлансам-ку иккинчи қилмайсан.
Бир урайки, йиқилгандан турмайсан,
Гўрўғлидан рухсат олмай кирмайсан.

Билсанг менман бошлиғи посбон,
Қайфин чоғлаб ётир олтига полвон.
Қайт орқанга, дейман, муттаҳам карвон,
Боргин рухсат берсин Гўрўғли султон!

Бизнинг ҳақимизни аввал берасан,
Чунки шунча давлат билан келасан.
Берганингни наша пули қиламиз.
Гўрўғлидан рухсат бўлса қўямиз.

Карвонлар, бу посбон қўймаслигини билди. «Қоғозни кўрсатмай кирамиз деб эдик», деб бир кулди. Синашликка кал посбонга қараб бир сўз айтди:

Бу дунёда тонг отару кун ботар,
Бу йўллардан карвон ўтмай, не ўтар?
Қалтагингни ташла ерга эй, Саттор,
Ташламасанг, бундан ҳам бўлгин баттар!

Қайфинг қилиб, нима бўпти санга?
Кўтарилиб дўқингни урма манга!
Рухсатсиз карвонлар бир жой борами?
Лоф урма, қўлингдан бир иш келами?!

Дарвозабон посбон шундай бўлами?
Биров келса калтак билан солами?
Нари тургин, кўп олдимга йўлама!

Кўзинг қизартириб бангни урипсан,
Дарвозага посбон бўлиб турибсан.
Қоровулсан бошқа нима бўлибсан!

Бек Гўрўғли билса агар феълингни,
Қуритади манглайингда шўрингни.
Танийсанми шаҳарингнинг муҳрини?

Бек Гўрўғли рухсат берган бизларга,
Савдомиз бор манов Чамбил шаҳарда,
Кўзинг катта очиб қара муҳрга!

Гўрўғли берган қоғозни, орқасига урган муҳрини кўрсатди. Сатторкал ҳовлиқиб, қўрққанидан, булар билан кўришиб, «танимасни сийламас, хуш келибсиз, бизни эларга», деб карвонларнинг олдини бўшатиб, Кўксаройга борадиган кўчани кўрсатиб юборди. Савдогар карвонлар Кўксаройни мазгил тутиб, бозорга чиқариб моли-ашёни сотаверсин, эндиги сўзни Гўрўғлидан эшитинг.

Бек Гўрўғли овдан тушган ўлжаларини жамлаб, тоғнинг кўкаламзор, хушҳаво жойини топиб, гулхан ёқиб, гўштларни сихга тортиб, суҳбат этиб ётган эди. Гўрўғли Чамбилдан чиққанига уч кеча-кундуз бўлган эди; Чамбилга бориш Гўрўғлининг хаёлига ҳам келган эмас эди. Чунки овга бир чиқса, бир-икки ой кетар эди. Кундузи ов, кечаси кўшхона қуриб суҳбат этар эди. Гўрўғли бирдан қирқ йигитига қараб бир сўз айтди:

Бекларим, арзимни айтишин сизга,
Шаҳар бормай, Исфиҳонга борайлик.
Қанча ғайрат бўлса, кўрсатинг бизга,
Исфиҳондан карвон бор шаҳримизга,
Туриинг дўстлар, Исфиҳонга борайлик!

Мен туфайли даври-даврон сурганлар,
Овга келса, қирағаю мерганлар,
Неча газоларга мардлик қилганлар,
Биздан инъом сўраб, танлаб олганлар,
Юринг дўстлар, ул шаҳарга борайлик!

Азали тақдирдаги ишни кўрайлик,
Паноҳ истаганга ёрдам берайлик!
Қалмоқларман бориб саваш қилайлик,
Одилшоҳга бориб меҳмон бўлайлик,
Юринг дўстлар, ул шаҳарга борайлик!

Исфиҳон шаҳрига қилдим ихтнёр,
Бормоқлиққа менинг кўнглим талпинар,
Борасизми бизнинг билан йигитлар?
Бормаганинг Чамбил қайтиб боравер!
Қирқ полвоним маслаҳатни қилайлик!

Мард киши бизнинг билан ҳамсуҳбат
Бу сўзимга беринг дўстлар маслаҳат!
Шу сафарда бўлсак соғи-саломат,
Исфиҳон шаҳрига бормоқлик керак,
Гўрўғли дер, мард кишини билайлик!

Аҳмоқ, беақллар насиҳат олмас,
Нодонлар савашнинг йўлини билмас,
Мард киши юрган изидан қайтмас,
Гўрўғли рост сўйлар ёлғонни айтмас,
Беринг маслаҳатни беклар билайлик!

Ана энди қирқ йигит ўйловда қолди; бир хиллари
ёзилиб келай, деб яйловда қолди. Йигитлар ичида бит-
тасининг отини Турсун дер эди, у Гўрўғлининг сўзини
эшитиб бир хил йигитларнинг муғомбирлик қилганини
билиб, бир сўз айтди:

Хоннинг амри икки бўлмас,
Яхшилар нодонлик қилмас,
Муғомбирлик тўғри келмас,
Хон амрин қилмоқ керак,
Юр дегайда, юрмоқ керак!

Ҳазил билманг Гўрўғлининг сўзини,
Кўп единглар оши билан тузини,
Душман кўрса, туман қилар юзини,
Келинг дўстлар, Исфиҳон бормоқ керак!

Кўп единглар Гўрўғлининг нонини,
Ҳатто аямади сиздан жонини.
Бир бориб кўрайлик Исфиҳонини,
Хизмат буюрганда уни қилмоқ керак!

Қайга борса, бирга-бирга борайлик,
Хон амрин, дўстлар ҳазил билмайлик.
Қатордан кейинга қолиб кетманглар,
Мард бўлингиз номардликни этманглар!

Ов кўрсатса, нишонага олайлик,
Ев кўрсатса, ерга яксон қилайлик!
Хонимизман бирга суҳбат қурайлик,
Жаҳонни гашт этиб, ўйнаб-кулайлик!
Юринг дўстлар, Исфиҳонга борайлик!

Йўл бошла, [мард билгин] йигитларингни,
Биламиз биз номусингни-орингни,
Бизларни сен яна номард кўрмагин,
Даркордур бизларни олиб бормогинг,
Остимизда бўлса, араби отлар,
Исфиҳонга бормоқ истар йигитлар.

Ев кўрсатсанг, нишонага оламиз,
Ев кўрсатсанг, ерга яксон қиламиз,
Бошланг, хоним, Исфиҳонга борамиз!

Гўрўгли тайёрланиш ишоратини берди. Қирқ йигит яроғларини олиб, отларининг айнал-пуштанини тортаверди, Гўрўгли ҳам ёв-яроғи шақир-шуқур этиб, Фиротнинг жиловидан ушлади, чап оёгини узангига ташлади, йигитлар суяб уни Фиротга миндирди. Назаркарда сувлиғ тишлаб, икки кўзи оловдай яшнаб, ҳар хил ўйин бошлаб, Гўрўгли жувинини маҳкам ушлаб, отига қараб бир сўз айтди:

Назаркарда Фиротимсан,
Ўзинг менинг қанотимсан.
Пирлар сайлаган зотимсан,
Донги кетган шуҳратимсан.
Жониворим давлатимсан,
Исфиҳонга бошла, Фирот,
Менинг кўнглим хушла, Фирот!

Арпа-кишмиш билан боқдим,
Гарданинга кўтос тақдим,
Пўлатдан нағалинг қоқдим.
Сен етилган тош-таблага,
Ун бир машъал чироқ ёқдим.
Иш кўрсатай йигит вақтим,
Сен жонивор менинг бахтим.
Сувлиғингни тишла, Фирот,
Ёмон феълинг ташла, Фирот!

Сен менинг номус-оримсан,
Бисотимдаги боримсан.
Олис йўлни яқин қилган,
Олти ойни олти кунда олган,
Устингга афзал ярашган,
Харидорлар кўп талашган,
Нархинг қирқ мингдан ошган,
Бераман деганим чоқда,
Юнус, Мисқолой йиғлашган
Исфиҳонга бошла, Фирот,
Менинг кўнглим хушла, Фирот!

Кетар бўлдим Исфиҳонга,
Энди иш кўрсаткин манга!
Шомолдай ел биёбонда,
Тоғдай ҳамла қил душманга!
Юришингни бошла, Фирот,
Менинг кўнглим хушла, Фирот!

Оёғингда пўлат тақа,
Таърифинг кетган ҳарёққа.
Олти мартаба боргансан,
Кўйиқофқа, Эрам боққа.
Йигит туғилмасин якка.
Файратингни бошла, Фирот,
Дали кўнглим хушла, Фирот!

Мард кишига дўст бўлайлик,
Душман кўрсак, қасд бўлайлик,
Ҳар ишдан обрўй олайлик,
Беш-олти кун сайрон этиб,
Яна Чамбилга келайлик!
Исфиҳонга етказ, Фирот,
Тулпарлигинг ўтказ, Фирот!

Назаркарда Фирот, ақли одамдан зиёд, Гўрўғлининг сўзларидан яна сафарга кетажагини билди. Жонивор сувлиғ тишлаб, бир кншнаб йўлга равона бўлди. Қирқ йигит ҳам Гўрўғлининг кейнидан иккитадан қаторга кириб, Исфиҳон қайда, деб йўлда кетиши:

Фирот йўлга кирази,
Йўрғачага юради.

Тўлган ойдаи ярқиллаб,
Узангилар шарқиллаб,
Исфиҳон шаҳарига,
Бек Гўрўгли боради.
Орқасидан қирқ йигит,
Раббано деб жўнади.

Бўзариб тонг отади,
Қизариб. кун ботади.
Талай кунлар ўтади,
Тўхтамасдан бир замон,
Уриб-суриб кетади.
Сонсиз тепа мазгиллар,
Орқада қоп кетади.
Тулпар от юришидан,

Ер танобин тортади.
Қир келса қиялатиб,
Жар келса ирғитади.
Кўрмайсизми Ғиротни,
Асил тулпар кўк отни,
Текис келса ўйноқлаб,
Баланд-баланд қирлардан,
Шопар олиб ўтади.

Гўрўглибек қаради,
Минган оти саради,
Қирқ йигити етолмай,
Бир тош кейин боради.
Гўрўгли отни тўхтатиб,
Ҳайда, деб қичқиради,
Чувҳо-чув, деб отларни,
Тўғри йўлдан буради.
Ортда қолган йигитлар,
Ҳадеб отни уради.

Етолмасанг, ўлгин деб,
Қолгинг келса, қолгин деб,
Юришинг бор бўлсин деб,
Майдон-чўлни чангитиб,
Қалқонларин тўнкариб,
Гўрўглини ахтариб,
Бир-бирига дўқ уриб,

Ҳа де, қирдан ўтайлик,
Гўрўғлига етайлик,
Ҳадеб уриб, қамчилаб,
Отнинг тери томчилаб,
От қулоғин қайчилаб,
Суриб кетиб боради.

Гўрўғлибек қараса,
Яқинлашди йнгитлар.
Ғайрат қилинг эрларим,
Сизлар менинг шерларим.
Кўрайлик Исфиҳонни,
Бизнинг элда карвони.
У шаҳарнинг одами,
Бизнинг элнинг меҳмони.
Бизлар ҳам меҳмонимиз,

Подшоси Одилшоҳнинг.
Паноҳ истаган ул шоҳ,
Кўпдир унинг душмани.
Ғайрат қилинг йнгитлар,
Чамбил элнинг полвони!

Имо қилиб йўл бошлаб,
Яна йўлга киради.
Гўрўғлини қоралаб¹,
Қирқ йўлдоши боради.
Чамбил элнинг арслони,
Орқасидан полвони,
Йўл юрганда йўл юрди,
Неча мазгил эл юрди.
Неча сувсиз чўл юрди. `
Санамасдан саксон кун,
Кеча-кундуз мўл юрди.
Зарчашманинг сувидан,
Ғиротини суғорди.

Ана энди Гўрўғли отига дам бериб, ўзи кўрган Зарчашма сувидан отини суғорди. Ғиротни совутиб, ўтлашга қўйиб, оби нашасини қилиб, ўрнидан туриб, дурбинини қўлига олиб, эртадан оқшомгача йнгитларини кутиб,

¹ Гўрўғлининг қорасини олиб, қорама-қора.

шул чашманинг бўйнда ётнб қолди. Гўрўғли айтди: «булар кейинда қолиб адашиб қолдими, ё бир бошқа йўлга отини солдимми? Йўқ, бари бир булар менинг изимни олиб, орқамдан етиб олар... Агар мен кутмасам, бир хили қайтиб кетиб қолар», деб ўйланиб-ўйланиб ухлаб қолди. Бу Зарчашма Исфиҳон вилояти музофоти-га қарар эди. Гўрўғли бу Зарчашмада неча маротаба дам олиб, баҳра олиб кетган эди.

Тонг отди. Фирот тепиниб, кишнаб-кишнаб Гўрўғлини уйғотди. Гўрўғли бошини кўтариб қараса, тонг отган, тўрғай сайраган, чаманзор яйраган... Гўрўғлини, агар оти уйғотмаганда, от устида чарчаган, ҳали анча ухлар эди. Гўрўғли айтди: «Кел барвақт уйғонганим яхши. Тонг саҳар ризқ тақсимланади, олдин турган олади, кейин турган ундан қуруқ қолади. Ҳар ким тақдирдан кўради. Ювиниб, тарангунимча қирқ йигитим ҳам келади. Сергаклик яхши. Фиротнинг ақллилигига ҳам офарин», деб Гўрўғли [ўрнидан] туриб, юз-қўлини ювиб, Зарчашма суви билан нонушта қилиб олди. Чилимини чекди, димоғини чоғ қилди, чашма Гўрўғлига ёқди. Зарчашма сувига қараб бир сўз айтди:

Бу йил сувинг сероб булоқ,
Чамандек яшнаган ўтлоқ;
Сувинг сероб дарёча бор,
Ҳар бир дардга даво, бироқ,
Кўрмаганим бўлди йироқ,
Назарқарда отим пироқ.
Душманларинг бўпти қалмоқ,
Қалмоқларни боплаб солмоқ,
Сенга келдим кўмак бермоқ.
Зарчашма-ю сувинг сероб,
Кўриб ўтган сонсиз мироб,
Яна келдим сени сўраб.
Сен бир чашма-ю маконсан,
Не бир дардларга ёққансан.
Гўрўғлибек бўлди меҳмон,
Бирон оғиз сўрамайсан,
— Хуш келибсиз, дебон меҳмон.
Мендир Така-Туркманли хон.
Бир мартаба кўрганимда,
Эрам боққа борганимда,
Сувинг ичиб ўтганимда,

Мисқолойга совчи бўлиб,
Тўй қилиб об кетганимда,
Маконимга етганимда,
Иккинчи сафар ўтганда,
Чанқаб сувингни тотганда,
Кўйнқофга сафар қилдим,
Аждарҳога хатар қилдим.

Юнуспари бир шарт қўйди,
Қирқ кун гапирмайсан, деди.
Гўрўғли чилимни олган,
Бу сўзимда йўқдир ёлгон,
Қирқ кун гапирмай турганман,
Уйловман кайфин сурганман.
Яна Чамбил маконимга,
Юнусойни об борганман.
Боз келиб қолдим устингдан,
Хабар ол келган дўстингдан!

Ҳар бир сиғиниш уч бўлар,
Арқамдан катта куч келар.
Улсам менинг фарзандим йўқ,
Товутимнинг чегасини,
Улигимнинг эгасини,
[Излаб кетиб бормоқдаман].

Сенга шулдир менинг зорим,
Қарам айла қўлла борим.
Туғмаса ҳам тутинган,
Бўлса эди, кокилдорим.

Топширардим давлатимни,
Кўрсатардим ҳимматимни,
Ўргатардим устодимни,
Кечга қолмай кўрсайдим,
Қирқ йигитлар улфатимни.

Гўрўғлибек дейди мени,
Шукур яна кўрдим сени.
Менман Одилшоҳ меҳмони,
Бизнинг элда бор карвони,
Яна кўриш тақдир қилсин сени!

Ана энди Гүрүғлибек неча сўзларни сўзлаб, бўтабек бўзлаб, йигитларини кутиб кўзлаб турган эди, қараса, Фирот безовта бўлаверди: ёв-яроғли, олтин садоғли, бо-тир чоғли, кенг кўкракли, катта телпакли йигит бир кийикни қувиб келяпти. Гүрүғли қочиб келаётган кийикни узоқдан кўрди, кийик бу ерда одам шарпасини билиб, тоғ ён бағри ёқалаб кетди. Гүрүғли қараса [кийик] орқасидан бир отлиқ тўрт аргамчи масофадан отмай, тирик ушлайман, деб отини терлатиб қувиб келаётибди. Гүрүғли, садоғни қўлига олиб нишонни чоқлади.

Бек Гүрүғли нишонани чоқлади,
Бир садоққа етти патрон ўқлади.
Кўрмайсизми Гүрүғли валломатди,
Шиқирлатиб ёй ўқини бирдан тортди.
Ейнинг ўқи шамолдай париллаб кетди,
Ул кийикни ярадор қиб йиқитди.
Оғзин очиб кийик таппа йиқилди,
Кийик орқасидан Ҳасанхон келди.
Кийикнинг ўлганин Ҳасанхон билди,
Шунча меҳнатига ёмон ўкинди.
— Қандай мерган экан халақит берди,
Армон билан бу кийикни ўлдирди.
Шунча югурганим бекорга кетди.
Пана-пастқам жойдан кийикни отди,
Қандай мерган мерганлигин кўрсатди,

деб Ҳасанхон полвон отдан тушиб, кийикнинг ўлганини билди, хафа бўлиб турган эди, Гүрүғли Фиротни суриб, тозиёна қамчини уриб, Ҳасанхоннинг устидан келиб қолди. Шунда Ҳасанхон қараса, мўйлови снхдай, кўзи ёнган ўтдай, остида минган кўк оти, рустамча бор жасади. Ёв-яроғи шарқираб, минган кўк оти пирқираб Ҳасанхоннинг тўғрисида келиб, отини тўхтатди. Шунда хафа бўлиб турган йигитни кўриб, Гүрүғли мўйловини бураб, оёғини узангига тираб, унга қараб бир сўз айтди:

Маъов тогда гамгин турган ёш ўғлон,
На сабабдан гамгин бўлиб турибсан?
Ов овлаб кўп машаққат кўрибсан,
Ўлган ўлди энди қилмагин армон!

Сендан сўз сўрар менигдайин хон.
На сабабдан хафа бўлиб тургансан?

Бекорга кеткизиб сен хизматингни,
Нима дейди исми-шариф отингни?
Тирнк ушлайман деб ушбу кийикни,
Етолмаслигингни билиб отдингни?
Шу сабабдан ғамгин бўлиб турдингни?

Нима дейди униб-ўсган маконинг?
Кийик ўлса, ўлиптида, соғ бўлсин жошшг!
Еш йигитсан, сира хафа бўлмагин,
Сиҳат бўл-да, кўп йил яша, ўлмагин!

Қайси вилоятинг сенсан мергани,
Жасадинг келишкан кимнинг полвони?
Кўклам бўлса, ёғар ёмғир жаласи,
Қандайин одамнинг сенсан боласи?

Сенинг кимлигингни ҳаққон билайин,
Анча сўзни бугун сендан сўрайин.
Бир кийикка йиғлаб турмоқлик айиб,
Бир кийикка ўнта ушлаб берайин.

Қасбимни ўргангин сен устодингдан,
Мен айланай сенинг бу жасадингдан,
Хабар бергин униб-ўсган юртингдан!

Ана энди Ҳасанхон шу сўзларни эшитиб, бу кийикни
узоқдан отиб йиқитганлигини билиб, отини миниб, бир
сўз айтди:

Аччиғимни келтириб кўп турмагин,
Бир иш қилиб қилмадим деб турмагин!
Энди келиб, мен бўлдимми эрмагинг,
Пана жойдан нишонага урмоғинг!
Келиб биздан яна сўраб турмагин!

Сўраб қолдинг исми-шариф отимни,
Ваянгон дейди ўсган юртимни,
Онам ўлган. Онасиз бир етимман,
Шодиён темирчи дейди отамни,
Ҳасанхон дейдилар менинг отимни.
Исфиҳон дер — турар мамлакатимни.

Кўнглим шу сабадан ғамгин айладим,
Бекорга чиқардинг бу хизматимни.

Истаб қувган эдим тирик ушлашга,
Парвариш қиб шу кийикни асрашга.
Бугун ҳалақит бергансан овимга,
Қулоқ солсанг шудир мени ғапимга:
Халақит бергансан бу хизматимга.

Шунда Гўрўгли бир сўз айтди:

Энди билдим, отинг экан Ҳасанхон,
Ботир тўралардай шундай ясанган.

Гўрўглибек дейди менинг отимни,
Кутиб турибман кўп улфатимни.

Меҳмониман Исфиҳондай юртингни(нг),
Бекор қайтарибман сенинг шаштингни.

Еш ўғлонсан кўнглинг хушлаб турайн,
Неча кийик десанг ушлаб берайн.

Ўзинга ярашган Ҳасан отинг бор,
Қоматингга ярашган жасадинг бор.

Юртинг тинчми ёки ғовға аралаш,
Бизнинг билан мунча йигит бўлма ғаш!
Айиб эмас билмагани кеб сўраш.

Элатнингни истаб бугун келаман,
Мени сўрсанг Чамбил элдан бўламан,
Қирқ йигитим кутиб бунда тураман.

Неча ёшга кирдинг, сендан сўрайман,
Айтсанг эшитаман, роса англайман.

Ҳасан айтди,— оға соғ бўлсин бошинг,
Бизнинг элга келган бўлсанг қардошим,
Отим Ҳасан, билсанг, ўн бирда ёшим.

Бизнинг элдан агар бўлсанг хабардор,
Саваш қилиб келар ҳар вақт қалмоқлар.

Ез бўлганда кўп қалмоқлар келади,
Қиш бўлганда қолса агар ўлади,
Одилшоҳман анча саваш қилади.
Ололмайди юртни яна кетади,
Неча кунлар, ойлар саваш этади,
Кўп киши бекорга ўлиб кетади.

Келар вақти бўлди яна қалмоқлар,
Савашдан қўрқади гала аҳмоқлар.

Одилшоҳ ҳам лашкар созлаб юргандир,
Душманнинг олдини кўзлаб тургандир.

Хабарим бор карвонлардан муқаррар,
Бизнинг элга келган бўлсанг зўравор.
Манов шу катта йўлдан боравер,
Мен ҳам қайтайин, зарур ишим бор!

Ҳасанхон отини суриб, Гўрўглига қарамай, тоғнинг газасидан ўтиб кетди. Гўрўгли орқасидан қараб қолди: — «Мен орқасидан энди буни қувиб юрмайин, Ҳасанхон оти бор, келишган қомати бор, ўзини ҳам анча гайрати бор... Кел, орқамда қолиб кетганлар етиб келсин, турайин... Улар билан бирга Исфиҳонга кирайин, Одилшоҳни кўрайин, бу йигитни суриштириб топиб олайин... Анча синаб, сўзлаб сўзимга солайин, сўзимга кирса, ўзимга тутунди фарзанд қилиб Чамбилга олиб борайин. Келишим — бу сафарим қуруғ бўлмасин, бўлсам бир нималик бўлайин», деб Гўрўгли Ғиротни миниб қараса, йўл чангиб отларнинг дубири келиб қолди. Шунда Гўрўгли қирқ йигитим келдими деса, йўқ, бу қалмоқ лашкарлари Ваянгон, Исфиҳонга сонсиз лови-лашқари билан, тўпитўпхонаси билан юриш қилиб келаётир... Шунда Гўрўгли қирқ йигитини йўқлаб, ўзини урушга чоқлаб, бир сўз айтди:

Нима бўлди қирқ йигитлар келмади?
Кута-кута менда қарор қолмади.
Адашиб бошқа элларга кетдими?
Мен олдин, кейинда қолиб кетдими?
Нима савдо бўлди улар келмади?

Олдин келиб кўрдим ажаб йигитни,
Бекорга отиб ўлдирдим кийикни.

Хафа бўлиб зебо йигит жўнади,
Ҳануз ҳам кутаман улар келмади.

Чамбил эли қолиб кетди йироқда,
Энди кўзим тушди душман қалмоққа,
Булар келаётир уруш қилмоққа.

Бир томондан қалмоқ лашкари келди,
Бир томондан исфиҳонлик қўзғалди.

Бек Гўрўғли найза ушлаб дастига,
Отни суриб чиқди қирнинг устига.

Қараса хон расо ўртада қолди,
Дўсти душманларни айрит қип олди.

Орқамдан келади шермардларим,
Иш кўрсатиб келиб азаматларим,
Қалмоқ лашкариман саваш қилайик,
Ушбу кунда қонли майдон очайик,
Номардларни ушлаб ерга янчайик.

Ана энди Гўрўғли қараса — қалмоқ лашкарлари кар-
най-сурнайини тортиб, шакаманлар милтиғини бўшатиб,
тоққа яқинлашаверди. Гўрўғли Фиротнинг айил-пушта-
нини тортиб, қалмоқларга тараф бўлиб майдонга чиқди:

Бир ёқдан қалмоқ от қўйди,
Гўрўғли майдонга кирди.
Қарт жиловни қўлга олди,
Фиротини йўлга солди,
Пирларини тилга олди.
— Тараф бўлсанг келхо кел, — деб,
Бек Гўрўғли майдонга кирди.
Бек Гўрўғли аралашди,
Биздан кўр дейди савашди.
Сизлар кўпсиз, танҳо ўзим,
Остимда назари тозим,
Энди сизга ўлнм лозим.
Агар душманларни кўрсам,
Очилади икки кўзим.
Билмайман кеча-кундузим,
Мен сизларга иш кўрсатай,
Биттангни қўймасдан чертай —

Деб Гўрўгли от қўйди.
Дучор келганини сўйди.
Тўхтаб қолди оломон,
Кўрди отлиқ бир полвон.
Бир ўзи, бизлар кўп — деб,
Отланаверди душман.
Фирот тишлаб отади,
Гўрўгли наъра тортади.
Қалмоқ юраги ёрилинб,
Таппа тушиб ётади.
Уруш бўлса Гўрўгли,
Иш кўрсатиб кетади.
Кўпчилик бўп душманлар,
Бир маслақат этади:
— Бу тоғнинг бургутими?
Исфиҳон йигитими?
Нега ўлмас баччагар,
Ё дунёнинг зўрими?
Биздайчанинг шўрими?
Урҳо, ур, — деб келади,
Атрофини олади.
Ҳар томондан лашкарлар,
Тинмай найза солади.
Гўрўглининг қалқони,
Ҳар томондан рад берди.
Душманларга дард берди.
Кўпи бўлди ярадор,
Оёқ остида баякбор.
Бу қандайин зўравор,
Душман сафи бузилди.
Кўши кўшхонаси ҳам,
Дарё нарига тузилди.
Бўшаб қолипти майдон
Қараса Гўрўгли султон.
Фиротини буради,
Тоziёна уради.
Зарчашманинг бўйига,
Келиб бирдан қўнади.

Ана энди Гўрўгли Зарчашманинг бўйига келиб, Фиротдан тушиб, ювиниб-тараниб турган эди, уч кун кейин қолиб кетган қирқ йигит катта йўлнинг юзи билан, Фиротнинг изи билан Турсун бош бўлиб келиб қолди. Гўр-

ўғлининг оти олти ойлик йўлни, олти шабрўз олар эди,
қирқ йигит қолиб кетган эди. Бари йўл азобини тортиб,
Гўрўғлининг ортидан келиб етди. Гўрўғли йигитларининг
бари тугал; (орқасига) қайтгани йўқ. Гўрўғли келган
йигитларидан кўнгли тўлиб, созии қўлига олиб, уларга
қараб бир сўз айтди:

Йигит бўлса асил зотдан,
Хунар ўрганар устоддан,
Юрагинг темир, пўлатдан,
Йўл юрганда эр йигитим,
Ғазо бўлса шер йигитим.

Барингнинг номус-оринг бор,
Билагингда-ку зўринг бор.
Чамбилда кирдикоринг бор,
Қўпингнинг пари ёринг бор.
Хабардор бўл, душманинг бор!
Баракалло, кел йигитим,
Озроқ дамнинг ол йигитим!

Отим отларнинг подшоси,
Бандаман облоға оси (й).
Сизлар Гўрўғлин жўраси,
Яқин Исфиҳон ораси,
Дунёнинг кўп можароси.
Бўл деганда бўл йигитим,
Насиҳатни ол йигитим!

Орқамдан қувиб етгансиз,
Йўл азобин кўп тортгансиз,
Ширин жонингиз сотгансиз,
Менга фарзандлик этгансиз.
Қоматингдан жон йигитим,
Бизга ҳамро тан йигитим!

Отим жилов бермай кетди,
Бир хил жардан ирғиб ўтди.
Сизларни хонингиз кутди,
Уч кеча-кундуздан кейин,
Отингиз отимга етди.

Гўрўғлининг сўзларни эшитиб йигитлари, бир хили
қўрқиб, Гўрўғлидан (оғир гап) эшитмасак, деб ўйлаб

келаётган эди. Худого шукур, инсоф бериб, энди уриш-
мади деб, йигитлари отдан туриб, хон Гўрўгли билан
кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турган эди, Турсун деган
йигити Гўрўглига қараб бир сўз айтди:

Қувиб истаб келдик сизни,
Кўп еганмиз тузингизни,
Меҳрибон деб ўзингизни,
Гавҳар билиб сўзингизни,
Йигитларинг келди санга.

Хайдаб Гирот тозингизни,
Кўрсатмасдан ўзингизни,
Кўзлаб чопдик изингизни,
Ойдин қилди юзингизни,
Отни ҳайдаб биёбонга.

Биздан олдин келиб қопсиз,
Душманларни билиб қопсиз,
Анча саваш қилиб қопсиз,
Ғайратларга тўлиб қопсиз,
Келиб қолибсиз-ку жангга.

Бизлар етиб келдик тоққа,
Даралар тўлган ўликка,
Савашга кирибсиз якка,
Ғулғула солиб фалакка.

Офарин Гўрўгли бекка,
Учрадингизми қалмоққа?
Номардлар кетди қаёққа?
Кўрсатинг душмани бизга!

Бизлар сиздан таълим олдик,
Саваш қилмоқ учун келдик,
Сизга кўмак бермоқ бўлдик,
Кўриб думоғлар чоғ бўлдик.

Ғайратингиз рустамча бор,
Химматингиз хотамча бор,
Кўрсатинг душман қанча бор,
Бизда ҳам ғайрат анча бор.

Бек Гўрўғли айтди: дўстлар, йигитлар,
Ҳали сизга оздир қилган хизматлар.

Ултирувдим Зарчашманинг бўйида,
Кутиб бедор, гоҳи кетиб уйқуга.

Устимдан кеп қолди гала қалмоқлар,
Суриштирамай отаверди аҳмоқлар.

Фиротнинг белига миндим, чу дедим,
Номардлар, саваш қилмоқ бу дедим,

Эртадан кечгача саваш қип қопман,
Рустам деган зўрдан мен мадад опман.

Қарасам, номардлар қочти-да кетди,
Туриш бермай бу дарани бўшатди.

Нимасини сўрайсизлар йигитлар,
Сиз келгунча қилдим шунча хизматни,
Бу хизматга айтингизлар раҳматни.

Бир йигит қувиб келди кийикни,
Кийик отиб, кўрдим зебо йигитни.

Йигит кетди шаҳри Исфиҳонига,
Кўп турмади Гўрўғлининг ёнида.

Ништар уриб кетгандайин жонимга,
Шундай йигит лозим ул давлатимга,
Олиб кетсам Чамбилдай элатимга.

Асли Ваянгонда тугилган жойи,
Шодиён темирчи деракан дойи,
Шундай йигит шу йигитлар ҳамройи.

Олиб кетсам шуни Чамбил белимга,
Кўрсатсам Юнус — Мисқол ёримга.

Ўғил қилиб олсам шуни боякбор,
Қолмас эди кўнглимда зарра ғубор.

Маслақатга нима дейсиз йигитлар,
Буюрилар биздан энди хизматлар.

Дарё нари бети ётган қалмоқлар,
Шерда² турсак келиб қолар душманлар,
Душманларнинг иши охир пушмонлар.

Эрта тонгда яна улар келади,
Зарчашмани беклар макон қилади,
Одил бобом бу хизматни билади.

Одилшоҳга улар тараф бўлади,
Эрта тонгда ғайрат қилинг йигитлар.
У йигитни кўриш онсон бўлади.

Гўрўғлининг шудир мақсад-муроди,
Мард одамлар бу майдонда юради,
Номард одам пана жойга уради.

Қалмоқларман саваш қилинг йигитлар,
Биздан сизга шу хизматлар бўлади!
Эсон-омон яна Чамбилга қайтсак,
Беклар хоҳлаганча инъом олади.

Алқисса, Гўрўғли қирқ йигити билан маслаҳат қилиб, бедор бўлиб, беклар бирин-бирин навбатига посбон туришиб, суҳбат қуришиб, Зарчашманинг бўйини макон қилишиб, ўйнаб-кулишиб тураверсин, эндиги сўзни қалмоқлардан эшитинг.

Қалмоқ шоҳи Қорахон неча минг лови-лашқари, тўпи-тўпхонаси билан Исфиҳон подшоси Одилшоҳга тараф бўлиб, ноғорасини чалиб, неча мерганларини олиб Исфиҳон тоғига яқинлашди.

(Лашқар) Исфиҳонга етмасдан, икки кўзи ёнган ўтдай, мўйлови сихдай бир полвон шунча одамни қўрқитди, ўлганимиз сонини билмаймиз, ажалимиз етгани ўлиб, қолганимиз омон-эсон келиб қолдик, деб қалмоқ шоҳига қараб таъзим қилиб, ясавулбоши бир сўз айтаяпти:

Келган эдик бизлар шаҳри Исфиҳон,
Олдимиздан чиқди Гўрўғли султон.
Бизнинг билан саваш қилди у полвон,
Зўрдан-зўрга дучор бўлдик Қорахон.

² Шерда — шу ерда.

Яқинлашдик биз Исфиҳон³ шаҳрига,
Дучор бўлдик Гўрўғлининг қаҳрига.
Ҳар ким ҳам талашар номус-ориға,
Зўрдан-зўрга дучор қилдинг Қорахон.

Сенинг амринг билан лашкар келгандир,
Олдимизни бек Гўрўғли олгандир.
Қасдинга қанча одам ўлгандир,
Зўрдан-зўрга дучор бўлдик тақсиржон.

Ҳали бормай биз Исфиҳон элига,
Тушиб қолдик бир аждаҳо қўлига.
Кўп кишилар ўлди тоғнинг белида,
Маслаҳатга нима дейсан Қорахон?

Бир ўзи, юлдузни кўзлайди оти,
Ҳайқирса оламни бузар фарёди.

Отланиши соҳибқирон авлоди,
Агар келса таёғ ейсан тақсиржон.

Ҳар йил Одилшоҳман саваш қилганмиз,
Бекорга овора бўлиб юрганмиз,

Бу йил ҳам кеп Исфиҳоннинг шаҳрига,
Бир кунлик савашга туриш бермасдан,
Зўрдан-зўрга дучор бўлиб қолганмиз.

Ана энди бу сўзларни эшитиб, қалмоқ шоҳи лашкар-бошиларга айтди: Сизлар менинг амрим билан иш қилсангиз қоласиз, агар амримни тарк этмоқчи бўлсангиз ўласиз. Гўрўғли бир киши дейсизлар, сизлар минг киши. Минг кишининг бир кишига кучи етмайdimи? Эрта тонгда яна тўпи-тўпхоналар ортилсин, лашкарлар шайлансин, аравага ўқлар жойлансин. Бир кишидан қўрқиб қочмоқлик тайлансин³ деб Қорахон бир сўз айтди:

Амримни икки қилманглар,
Қўрқиб олдимга келманглар!
Бир отлиққа минг отлиқ бўп,
Гўрўғлига отланинглар!

³ Тайлансин — ташлансин.

Шудир менинг айтган сўзим,
Исфиҳонда икки кўзим.
Бу келишимиз уч бўлар,
Учдан сўнгра-чи пуч бўлар,
Биз билан катта куч келар,
Исфиҳонни олмоқ лозим.

Гўрўгли бўлса бир киши,
Бирдан қўрқарми минг киши,
Айланиб қолади боши,
Саваш учун бормоқ лозим.

Лашкарларни сурунгишлар,
Қонли майдон қурунгишлар,
Йш охири кўрунгишлар,
Қолмай баринг борингишлар!
Шоҳнинг амрин қилмоқ лозим.

Сизга сўзлайди Қорахон,
Бизга керакдир Исфиҳон.
Пиёданг бор Исфиҳонга,
Отлиғинг бор шу томонга,
Дод-вой қилиб келманг манга!

Бор деганда бормоқ керак,
Бир нимали бўлмоқ керак.
Ажал келса, ўлмоқ керак,
Шоҳнинг амрин қилмоқ керак.

Бу сиёсатни эшитган лашкарбошилар шоҳга «нима амринг бўлса, шуни қиламиз, борсак борамиз»,— дейишди. Нечас лашкарларга билдириб қўйишди. Эрта отлиғинг бу ёнга, пиёданг Исфиҳонга икки жойда уруш очасизлар, деб тайинлаб айтди. Шу кечаси ётди, эрта-лаб тонг отди, карнай-сурнайни тортди. Пиёдаси айрилиб, саф бўлиб, отлиғи ҳам урушга топ бўлиб, савашга отланаверсин, эндиги сўзни Гўрўглидан, қирқ йнгитидан эштинг.

Гўрўгли сафарга юрса, кечаси бедор ётар эди, тонг саҳар турар эди. Гўрўгли уйғониб қараса, тўполон-тўзон бўлиб, кўп отлиқ лашкар келаяпти. Шунда Гўрўгли қирқ йнгитини уйғотди. Йнгитлар тўполонни кўриб, отининг айил-пуштанини тортиб, тилла сопли қиличларини олиб,

Гўрўғли амир қилмай, урушга тайёрланди. Гўрўғли Фиротни миниб:

— Қани, йигитлар, энди бугун еган тузларингизни, кийган сарполарингизни, олган инъомларингизни оқлаш учун, Исфиҳон эли учун, Шодиён темирчининг ўғли учун, ўнги-чапга қилич силташлик пайти келди. Файрат камари бойлансин, орқамдан, қани, ғазога!— деб савашга отланди.

Бир ёндан қалмоқ от қўйди,
Қарвон кўчкандайин бўлиб,
Жондан кечкандайин бўлиб.
Бир ёндан Гўрўғли кирди,
От жилловин ёвга бурди.

Қирқ йигит билан ҳамла қилди.
Майдон очкандайин бўлди,
Жондан кечкандайин бўлди,
Отлар отларга тўқишди.

Қилич-найза ширқиллашди.
Аямасдан кесиб бошди,
Бир-бириман аралашди.
Йигитлар қилар савашди,
Даста-даста қилиб лошди,
Қонга бўяб тоғни, тошди.
Арғимоқлар, бедов отлар,
Почасидан қонга кечди.

Душманлар қалқон тўнкарса,
Найзалар қалқонни тешди,
Бир деб санар уриб бешди.
Гўрўғлиннинг йигитлари,
Чамбил элнинг жаллодлари,
Қўлда найза пўлотлари,
Савашда азаматлари,
Сурилди майдон ичинда.

Қирилди душманнинг кўпи,
Нобуд бўлди катта тўпи.
Қалмоқларнинг келмай зўри,
Дучор бўл қуриди шўри,
Қирилди майдон ичинда.
Уруш тоза қизиб кетди,

Олғир отлар ўзиб кетди,
Қўрқоқлари безиб кетди,
Душман сони тўзиб кетди,
Сурилди майдон ичинда.

Уруш бўп Исфиҳон тоққа,
Лашкар тўлгандир қалмоққа.
Дучор бўп Гўрўғли бекка,
Исфиҳонни оламиз деб,
Даралар тўлди ўликка.
Қўлда қилич ярқиллайди,
Узангилар ширқиллайди.
Минган отлар диркиллаиди,
Туёғлари тошга тегиб,
Чақмоқдайин шарқиллайди.
Уруш бўлди, уруш бўлди,
Жуда ёмон қириш бўлди.

Ғанимнинг кўзи ёш бўлди,
Бирам танти саваш бўлди.
Қалмоқнинг отлиғ лашкари,
Буларга жуда ғаш бўлди.
Гўрўғли урушга бош бўлди,
Энди катта саваш бўлди.
Душманнинг ҳоли танг бўлди,
Туёғдан чиққан тўзондан,
Кўк бетига ғубор тўлди.

Гўрўғлининг йигитлари,
Қўлда найза-қиличлари,
Чамбилнинг катта кучлари,
Олди қалмоқдан ўчлари(н),
Силтар қилич, чапи-ўннга,
От туёғи ботти қонга.
Гавда тўлди биёбонга,
Қалмоқ туриш берди жонга,
Тиғ санчилаверди танга.

Гўрўғли урушда тошиб,
Ғанимлар келар ямашиб,
Шарқ-шурқ қилич силтаганда,
Кўзлар қолади қамашиб.
Бир-бирига ҳай-ҳайлашиб,

Ярадорлар вой-войлашиб,
Бир хил мурда қопдай шишиб,
Гўшегич қушлар талашиб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичилди майдон устида.

Душманларга бўлиб тараф
Кечилди майдон устида.
Ажалнинг кафан тўни,
Бичилди майдон устида.
Неча-неча югрик отлар,
Букилди майдон устида.
Қип-қизил қирмизи қонлар,
Тўкилди майдон устида.

Билмайди кеча-кундузни,
Гўрўглибек дейди бизни.
Омон қўймарам мен сизни,
Чамбил дейди шаҳримизни.
Туркман дейди баримизни,

Уруш истар одамларни,
Пўқ қнлай муттаҳамларни,
Ўз ннида тинч ётмаган,
Юртбосар газандаларни.
Келавергин якка-якка,
Кўнглинг бўлса савашмоққа!
Уч кеча-кундуз саваш бўлди.
Душманнинг ўлгани ўлди,
Тириги ҳам жўнаб қолди.
Бек Гўрўгли омон-эсон,
Қирқ йнгити билан бирга,
Зарчашма бўйига келди.

Ана энди Гўрўгли қирқ йнгити билан Зарчашма бўйига келишиб, отлардан тушиб, бир-бири билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бу маконга қўниб, чашма сувида ювиниб, отларнинг емини бериб, ўзлари ҳам овқатланиб олди. Гўрўгли қараса Ғирот оқсоқланиб қолибди. Нега бундай бўлди, деб отнинг туёғига қараса, нағал қайрилиб тиккасига ботган... Гўрўгли қайрилган нағални тортиб олди ва йнгитларига айтди:

— Иш ўсал бўлди, энди дўстлар, менга бугун жавоб беринглар. Сизлар шу жойда туринглар. Мен бориб отни

нағаллатиб келайин, Исфиҳон шаҳри узоқ эмас, тоғнинг устидан чиқиб қараса, ўша кўринган дарахт — ҳайло...шу ерда... Шаҳарнинг савдо-сотигини билайин, лекин сизлар шу жойдан кетманглар! Мен яна келаман деб, хон бекларига қараб бир сўз айтди:

Бекларим мен келгунча туринглар,
Душман келса дўппослашиб уринглар!
Қалмоқларнинг тазирини беринглар,
Мен келгунча омон бўлинг дўстларим!

Келиб бу майдонда машъал ёқайин,
Ғанимларни ушлаб тошга чоқайин.
Мен келгунча омон бўлинг дўстларим,
Шаҳар бориб отга нағал қоқайин!

Бориб келай Исфиҳоннинг элига,
Қулоқ солинг Гўрўғлининг тилига:
Макон қилинг Зарчашманинг белига,
Одилшоҳга келганим билдирайин!

Биздан паноҳ, истагандир Одилшоҳ,
Паноҳ истагани дўст билмоқ керак.
Балки унга тез ёрдам бермоқ керак,

То кўргунча Гўрўғлибек чекар оҳ,
Ул зебо йигитни бир кўрмоқ керак.
Кийик қувиб келган эди ногаҳон,
Қомати келишган ҳусни хиромон.
Ул кийикни бекор отган эканман,
Тирик ушламоқчи экан Ҳасанхон.

Кўриб келай, қани, қандайин ўғлон?
Қолмасин юракда заррача армон!
Қалмоқлардан хабардор бўл қадирдон!
Деб, отин ҳайдаб кетди Гўрўғли султон.

Ана энди қирқ йигит Зарчашма бўйини макон қилиб қалмоқ отлиқ лашкарининг олдини олиб ётди. Гўрўғли Исфиҳонга равона бўлиб кетаверсин, эндиги сўзни Исфиҳон шаҳридан, Одилшоҳ давлатидан эшитинг.

Одилшоҳ бутун лашкарини майдонга чиқариб, қалмоқ пиёда лашкари билан саваш қилиб ётиб эди. Гўрўғли уч кеча-кундуз йўл тортиб, яна бир катта жанг-

нинг устидан чиқиб қолди. Гўрўғли отини созлаб, душманнинг устига хезлаб, қиличини қўлига олиб жанг майдонига кирди.

Бундай жангни кўрмоқ керак,
Дўст-душманни билмоқ керак.
Душманларни қирмоқ керак,
Таити майдон қурмоқ керак.

Қаерга қарасам уруш
Шу экан қилмиш-қидирмиш.
Сизларга уруш буюрмиш,
Энди биздан бўлсин қириш.
Номардлар бермасин туриш,
Навбат бизга қирмоқ керак.

Навширон отим Гўрўғли,
Чамбилнинг шоҳи кўрўғли.
Мен ҳозир урушга чоғли,
Четка чиқ бўлсанг қалмоқли,
Энди биздан кўр солмоқни.

Қалмоқларнинг сафини,
Ериб ўтди Гўрўғли.
Қип-қизил қонин танга,
Қориб ўтди Гўрўғли.

Қиличвозлик майдонда,
Қилиб ўтди Гўрўғли.
Қалмоқларнинг бошини,
Юлиб ўтди Гўрўғли.

Душман билди келганин,
Пухта билди ўлганин.
Тоғ ичида кўрганиди,
Кўп кишилар ўлганин.
Зўрлигини қилган эди,
Таниди Чамбил полвонин.

Индамасдан қочайлик,
Бунинг йўлин очайлик.
Қочмасак бари бир ўламиз,
Зўрлигини биламиз,

Армон билан ўламиз.
Агар қочиб қутилсак,
Шунда омон қоламиз.

Деб, қалмоқ қочаверди,
Хонга йўл очаверди.
Қалмоқ шоҳнинг лашкари,
Қўрқиб қолибди бари.
Бу урушда Гўрўғли,
Бўлди жаҳон шунқори.

Ана энди Гўрўғлининг савашини кўриб, Исфиҳон шаҳридан чиққан лашкарлар: «Бир ўзи шунча ёвни қочиб юборди. Бизлар бўлсак, уч кундан буён саваш қилиб ётган эдик», деб, қалмоқларнинг қочганини, кўк отлиқ Гўрўғлининг уларни янчганини кўрган лашкарбоши, юзбоши, ўнбошилар келиб Исфиҳон подшоси Одилшоҳга хабар бериб бир сўз айтиб турибди:

Арзимни эшитинг Одилхон шоҳим,
Йиқилганда сенсан пушти паноҳим.
Яхши хабар олиб келувдим сизга,
Айтишликка рухсат берингиз бизга!

Қалмоқларнинг келганини билгансиз,
Бизга душман бўлганини билгансиз.
Юртимизни қўлдан бермаслик учун,
Отланинг, деб бизга фармон бергансиз.

Душман билан бизлар саваш қип юрдик,
Жондан кечиб бизлар мардона турдик,
Кўп қўшин ичида полвонни кўрдик,
Сиёсатли соҳибқиронни кўрдик.

Зарбидан қалмоқнинг сафин титратти,
Остида бор — бўйни дароз кўк оти,
Аччиғланса оти тишлаб отади,
Душманнинг устига тоғдай ётади.
Нечалари чаппа бўлиб йиқилиб,
Ишқалаб туёғ остига пийпади.
Зўрлигидан еру осмон титради,

Қалмоқ қочиб ўтди тоғнинг кетига,
Балки улар кетган ўхшар юртига.
Қалмоқ кушандасин кўрдик тақсиржон,
Сизга ёрдам берди келган у полвон.

Бу сўзларни эшитгач, Одилшоҳ кўрган полвонларинг
оти — Гўрўғли, — деб бундай деди:

Чамбил элдан хон Гўрўғли келибди,
Паноҳ истаганим яхши билибди.
Бизнинг карвон Чамбил элга борибди,
Гўрўғлининг қўлига хатни берибди.

Қалмоқлар бўлгандир бизнинг билан ғаш,
Гўрўғли қўймайди уларни омон,
Бошига солади қиёмат замон.
Гўрўғли бўлибди бизларга меҳмон.
Шаҳар аро шодиёна уринглар,
Сув сепиб, йўлларни бир шнпиринглар!

Гўрўғлиман бўлсин менинг суҳбатим,
Келган бўлса бордир унга ҳурматим.
Чамбилнинг хонини меҳмон қилайин,
Гўрўғлиман бир танишиб олайин.

Қалмоқларни қувган бўлса Гўрўғли,
Гўрўғлига мен ҳам ёрлиқ берайин.
Шоҳдан элчи [дарҳол] борсин уларга,
Пешвоз чиқинг Гўрўғлининг йўлига,
Биздан карвон борган Чамбил белига.

Қалмоқ душманлари бизга қасд экан,
Манов тоғлар баланд экан, паст экан,
Гўрўғлибек билдим бизга дўст экан,
Дўст кишининг иззатин қилмоқ керак,
Шаҳримизга уни олиб келмоқ керак.

Келганидан шодиёна уринглар,
Қанча ҳурмат бўлса унга қилинглари!
Менинг айтган сўзим яхши билинглари,
Хурсанд бўлиб, баринг ўйнаб-кулинглари!

Ана энди Одилшоҳ амри билан посбон, хизматкорлар хабарни эшитиб, Гўрўғли келганлигини жарчилар билдириб, мешкобчиларга сув септириб, парроцларга шупиртириб, чор томонни безатиб, шоҳ элчилари усти чодирли аравага миниб Гўрўғлининг олдига пешвоз чиқди. Гўрўғли бу арава нега келди, деб турса, шоҳдан келган элчилар Гўрўғлининг олдига келиб, унинг қоматини, остидаги отини кўриб, одамларнинг берган таърифидан ҳам зиёд экан деб, хонга таъзим бергандай букилиб, Гўрўғли билан кўришиб, Одилшоҳ сизни юртга меҳмон бўлишга чорлайди, «Ассалом алайкум Гўрўғли султон» деб бир сўз айтиб турган экан:

Сихат-саломатми, аҳвол қалайди?
Одилшоҳим сиздан паноҳ тилайди.
Юринг юртга, шоҳим сизни чорлайди,
Сизнинг учун кўп тарадду қилади.
Қўлдан келган иззатини этади,
Эл тилаган жойда азиз бўлади.
Бормасангиз хоним сира бўлмайди.

Тезроқ юринг, юртга, хоним чорлайди!
Отингизни билиб элим қувонган,
Сув сепилиб ҳамма жойлар безанган.
Одилшоҳга бўлинг тақсиржон меҳмон,
Шаҳарга киришга сизни сўрайди.

Бек Гўрўғли айтди: майли бораман,
От ёлини майдон-чўлда ўраман.
Қалмоқларнинг жазосини бераман,
Дўст кишига жоним фидо қиламан.
Тўхтамасдан бораверинг шаҳарга,
Кечгача келар деб айтинг уларга!

Алқисса, шоҳдан келган элчилар Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, яна «юринг», деб айтишга ботинолмади. Аравакашни туртди, элчилар кетди. Кўринг, Гўрўғли валло-матни, миниб асил Фиротни, араваня қоралаб, шаҳарни мўралаб, яқин етиб Исфиҳон дарвозасидан кириб, қатор темирчилик растасининг олдидан ўтаверди. Гўрўғлини кўриб, дўкондаги темирчиларнинг оғзи анграйиб, бурни танграйиб қолди. Гўрўғли қараса: темирчилар дўконининг бирисида бир ёш ўғлон, кийик қувиб юрган, Гўрўғ-

ли аввал кўрган зебо йигит болгани қўлига олиб, Гўрўғ-
лини кўриб, индамай, бир темирни оловга қўйиб, олов-
дан олиб уриб ётган экан. Шунда Гўрўғли айтди:

Устазода эй ёш ўғлон,
Дўконингга келгандирман.
Қалмоқларман савашган.
Куним-кунга улашган.

Юртбосар қалмоқлар,
Исфиҳонга талашган.
Отим билсанг тулпардир,
Неча тоғлардан ошган.

Нағал қоқиб бер отга,
Қара, йигит навбатга.
Одил бобонг чақирган,
Турган кўшки баландга.

Мен юртинга меқмонман,
Борарман адолатга.
Сендан бугун сўрайман,
Нағал қоқиб бер отга.

Ҳасан чиқди дўкондан,
Урушдан келсанг чиндан,
Хабардор бўл отингдан,
Қандай уста қоқибди,
Емонликка боқибди.

Шунча ёвнинг ичидан,
Омон-эсон чиқибди.
Нағали йўқ отларга,
Уста нағал қоқибди,

деб Ҳасанхон абзалини ғамлаб, отнинг оёғини кўтариб
бир нағал қоқди.

Гўрўғли темирчи қоққан нағални суғириб олиб, қў-
лига ушлаб бир қисди, муштдек тош қилиб, олдига отди.
Ҳасанхон яна бошқа нағал олиб чиқиб отнинг туёғига
қоқди. Гўрўғли бу нағалга ҳам кўнгли тўлмай, уни су-
ғириб, қайириб ташлади-да:

— Бошқасидан олиб кел,— деди [Ҳасанхон] яна бошқасидан олиб келди. [Гўрўғли] бунни ҳам қайириб ташлади. Шундай қилиб, Гўрўғли икки охур нағални яроқсизга чиқарди. Охири Ҳасанхон обжўши нағалдан олиб чиқиб қоқди.

Гўрўғли бу нағални кўриб, кўнгли тўлиб, ёнидан бир ҳамён тангани олиб, устазоданинг олдига ташлади. Ҳасанхон тангани очиб, қўлига тўрттасини олиб, муҳри йўқ, деб бошмалдоғи билан босиб ўйиб ташлади, яна тўрттасини олиб қайириб ташлади. Шундай қилиб, Ҳасанхон бир ҳамён тангани ўтмасга чиқариб, ҳақини тўлаб кетинг, деб турди. Гўрўғли Ҳасанхоннинг бу қилган ишига қойил қолиб, ақл-ҳушли, қувватли, мурувватли, йигит экан, деб икки дона олтин бериб, устани рози қилиб, бир сўз айтди:

Кийик қувиб юрган сен эдинг ўғлон,
Темирчининг ўғли сенсан Ҳасанхон.
Бекор отган эканман мен кийикни,
Юрагингда қолмасин сира армон!

Ул кийикни кўнглингдан чиқарарман,
Ун кийикни тирик ушлаб берарман,
Бир неча кун элга меҳмон бўларман.
Келсин деб чақирган Одилшоҳ шоҳинг.
Мени сўрасанг тахтипойга борарман,
Одилшоҳга бугун меҳмон бўларман,
Мени сўрасанг Чамбил элдан келарман.

Майдон-майдон Фиротимни еларман,
Душман кўрсам нимта-нимта қиларман.
Қалмоқларнинг тазирини берарман,
Юртингни душмандан озод этарман.
Хафа бўлма, кўнглингни шод этарман!—

деб Гўрўғли отини суриб, Исфиҳон регистонига кириб келаётганда, Одилшоҳнинг амри билан халойиқ етти яшардан етмиш яшаргача Гўрўғли келибди деб, йўлнинг икки ёғида даста-даста, йўлларга сув сепиб, шипириб, озода қилиб, Гўрўғлининг олдига элат пешвоз чиқди. [Гўрўғли] Одилшоҳ давлатхонасига етди. Посбон, хизматкорлар Гўрўғлини кўриб таъзим қилди. Одилшоҳ пешвоз чиқиб, Гўрўғли билан кўришиб, ичкарига бошлаб, хизматкорлар Фиротни ушлаб, Гўрўғлини қални

гиламлар [тўшалган] уйга киргазиб, остнга кундал кўр-
пача ташлади. Гўрўгли ҳам «ўзбаки зўраки», деб, ёв-
яроғини ечмай, шақир-шуқур қилиб ичкарига кирди.
Пар ёстиққа ёнбошлаб, чилимни урди. Одилшоҳ зиёфат
устига зиёфат бериб, Гўрўглини меҳмон қилди. Одилшоҳ
Гўрўглига қараб бир сўз айтди:

Қаттиқ кунда тоғлар бети туманми,
Хуш келибсан, элга, дўстим омонми?
Бизни йўқлаб Гўрўглибек келибсан,
Қалмоқларман келиб саваш қилибсан.
Хуш келибсан, хўп яхши иш қилибсан!
Чамбил белда гоёнб дўстлар омонми?

Сени йўқлаб карвонларни юбордим.
Қалмоқларнинг келарини билардим.
Ҳар йил улар билан саваш қилардим,
Сен қўлладинг, душманлардан қутулдим.
Ботирликнинг машқини юритдинг сен,
Шерда⁴ душман тухмини қуритдинг сен.

Таърифнинг кетгандир жумла-жаҳонга,
Хуш келибсан, бизнинг бу Исфиҳонга!
Бизга қилган хизматингнинг ҳурмати,
Қабул айла ёрлиқ топширай санга
Гўрўглибек бу ботирлар сарвари,
Сени қутлаб чиқди халқимнинг бари,
Сеникидир ўн бир хазинам бари.

Беш юз фил берайин, пўпаги зарли.
Нима истасанг, хон, биздан топилар,
Мард кишига мудом йўллар очилар.
Хуш келибсан Исфиҳон элимизга.
Хизматинг [кўп хуш келди] кўнглимизга.
Мақсадимиз дўст кўришлик ҳамиша,
Душманларни нест⁵ қилишлик ҳамиша.
Одил бобонг қароргоҳи Исфиҳон,
Хуш келибсан, элимизга улуғ хон!

⁴ Шерда — шу ерда.

⁵ Нест — йўқ.

Ана энди бу сўзларни Гўрўгли шоҳдан эшитиб, Чамбил элларини махтаб, душманларни йўқ қилиш, дўст кўриш мақсадида бир сўз деди:

Гўрўгли валломат деган ўзиман,
Буви Ҳилол гўрда тукқан қўзиман.
Рустам бобом олиб борган ўзимни,
Қирқ чилтон берган Фиркўк тозимни.
Қирқ йилдирки Чамбил элнинг хониман,
Элимнинг севгани ширин жониман.
Бизнинг эл одами кўп узоқ яшар,
Жойлари ўтлоқдир, сувлари авшар.
Киштикор қилганнинг давлати тошар,

Боғлари мевазор, олмаю анор.
Бирор кўрган кишининг меҳри қонар,
Бизнинг элнинг ўғил-қизи ҳунарманд,
Ҳар қайси ҳунарчи бир иш билан банд.
Шундай хушҳавоси бордир элимнинг.
Одил бобо қулоқ солсанг тилимга,
Бир сабабман келиб кўрдим элингни,
Бу қалмоқлар солган экан зулмни.
Яқин келган эдим манов элинга.
Қалмоқ ўраб олди ўнги-сўлимни.
Бир ўзи келган деб ўйлама бизни,
Олиб келдим полвон қирқ шеримни.
Қирқ йигитим тоғ орада тургандир,
Келган қалмоқларни боплаб ургандир,
Тоғ ичида катта саваш бўлгандир,

Кўп қалмоқлар армон билан ўлгандир.
Қирқ йигитим гайрати ҳам зиёда,
Душман тухмин қўймас яхши дунёда,
Мен ҳам келдим сенман дўст бўлмоқ учун,
Душманни дунёдан нест қилмоқ учун.

Ана энди икки хон сўзлашиб, бир-бири билан анча синашиб қолди. Одилшоҳ инъом берди, ёрлиқ топширди. Ун бир хазинани бермоқчи эди, Гўрўгли айтди:

— Одил бобо, мен хазнанг учун келганим йўқ. Бизлар яна кўришармиз. Бизга аталган нарсани, тегмай атаб қўй, биз уни тўй қилиб берармиз. Қалмоқлар тек турмайди, мен кўп ўтириб қолмайин. Қирқ йигитимнинг олдига жўнайин, деб Одилшоҳга қараб бир сўз айтди:

Рухсат беринг шоҳим бизга,
Тоғ орага бориб келай.
Қочиб кетган қалмоқларни,
Юртбосар ул аҳмоқларни,
Турган бўлса шул жойларда,
Таъзирини бериб келай.

Бор эди қирқ азаматим,
Ғазо кунда шиддатим,
Ҳамро бўп келган улфатим,
Уларни мен кўриб келай.

Меҳмонман Исфиҳонинга,
Эсонлик берсин жонинга.
Тоғ орага бориб келай,
Улардан бир хабар олай.

Улар билан бирга келай,
Қайта бошдан меҳмон бўлай.
Юртинга келган душманнинг
Бориб таъзирини берай.

Бизларни кутиб тургин хон,
Қирқ йигитимни кўргин хон!
Ҳар биттаси рустамча бор,
Шери, қоплон, арслонча бор.
Қалмоқларман қилган саваш,
Ев устига худди оташ,
Уларимни олиб келай.

Ана энди Гўрўғли ўрнидан турди, хизматкорлар Ғиротни етаклаб келди. Гўрўғли отини миниб, йўлга раво-на бўлди. Орқасидан Одилшоҳ бир сўз айтиб турган экан:

Хон Гўрўғли йўлинг бўлсин,
Така-Евмут элинг бўлсин!
Дўстинг шод, душманинг ўлсин,
Тоғ орага бориб келгин!

Қелибсан бизнинг элларга,
Сайрон айлагин чўлларга,
Ов овла ойдин кўлларга,
Кўнглинг хушвақт қилиб келгин!

Душманларни кўрсанг қиргин,
Олдинга соп барин қувгин,
Қиличинг қон билан ювгин
Қирқ йнгитинг бориб кўргин,
Дўстларингни олиб келгин!

Дўстларингдан хабар олсанг,
Яна қайтиб бизга келсанг,
Биз билан ҳамсуҳбат бўлсанг,
Ҳақиқий дўст бўлиб қолгин!

Ана энди Гўрўғли Ғиротини суриб, тозиёна қамчи уриб, келган йўлидан отни буриб, темирчилик дўконига яқин келиб қараса, темирчилик дўкони ёпилган, Ҳасанхон йўқ. Гўрўғли «Кел тоққа борайин, қирқ йнгитларни кўрайин, қайта бошдан бу шаҳарга келайин», деб тоққа қараб равона бўлиб кетаверсин, эндиги сўзни Ҳасанхондан эшитинг.

Ҳасанхон темирчилик дўконидида турган эди, Гўрўғли келиб отига нағал қоқтираман деб, икки охур нағални яроқсизга чиқариб кетгани, тоғда ов қилиб юрган вақтида кийикни отгани Ҳасанхонга тоза алам қилиб турган эди, унинг устига отаси Шодиён дўкондан бир хабар олайин деб келиб қараса, ўғли Ҳасанхон кўнгли паришон, нағаллар яроқсизга чиқиб, дўконда ўлтирибди. Шунда отаси [Ҳасанхонга] бир сўз айтиб турибди:

На сабабдан ҳолинг бўлди паришон?
Сўзларимга қулоқ солгин Ҳасанхон.
Бирон савдо дўконга рўй бердим?
Дўконинга соҳибқирон келдим?
Харидорман феълинг озиб кетдим?
Бирон номамла⁶ сўзни айтдим?
Ишониб, ўғлим деб, қўйсам жойимга,
Нима савдо бўлди, айтасан менга?!
Сени қўйган эдим менинг кўзим деб,
Ҳасан болам, сени бир ёлгизим деб,
Шунча нағалларни нобуд қилибди,
Қандайин зўр дўконимга келибди?
Дўкондаги сирни келиб билибди.
Биров сенинг ақли-ҳушинг олибди.

⁶ Номамла — ноўрин.

Шунча нағалларни ким қайирибди?
Қандай уста сенга иш буюрибди?
Сенга ишонсам, менинг шўрим қурибди.
Дўконимни бўшат, йўқол кўзимдан,
Сен юрмасанг менинг айтган сўзимдан!
Шодиён темирчи сангдонни олди,
Нағалларни олиб оловга солди.
Отасининг манов айтган сўзига,
Мард йигит таъсир қип тоза уялди.

Ҳасан айтди, ота кетсам кетайин.
Сўзлашга навбат бер сўзим айтайин,
Сен билмайсан Чамбил элнинг хонини,
Одилшоҳнинг келган меҳмонини.
Чамбилнинг подшоси Гўрўғли келди.
Сен бориб ўлтирасан уйингда,
Сенинг кайфинг қонган кичик оймга.
Қалмоқлар атрофи ўраб олгандир,
Исфиҳон шаҳрига душман келгандир.
Бек Гўрўғли келиб Чамбил белидан,
Келиб душманларга қирғин солгандир.
Одилшоҳим уни меҳмон қилгандир,
Элатингга бек Гўрўғли келгандир.

Остига мингандир кўк тулпар отди,
Рустамнишон соҳибқирон авлоди
· Ҳайқирса оламни бузар фарёди.
· Гўрўғли кеп душманларни қийратди.
Қаватида бордир қирқ жаллоди,
Ота сен ойимман қил кайфиятди.
Келиб менга қилма мунча ғурбатди!
Бек Гўрўғли келди бу дўконингга.
Сен ётибсан билмай хонадонингга,
Келиб сўзман ништар урма жонимга!

Бек Гўрўғли келиб дўконинг кўрди.
Фиротга нағал қоқиб бер деди.
Мен қоққан нағални сира ёқтирмай,
Кўнглидағидек нағални қоқтирмай,
Кўнгли тўлмай дўконингдан кетмади,
Шунча нағалларни писанд этмади.
Обжўш нағал қоққин, деди отимга,
Ҳунар билсанг юргин деди юртимга.

Дўконинг олдига Гўрўгли келди,
Бу ишларни билсанг Гўрўгли қилди.

Кўп сўз айтдинг менинг кўнглим қаварди.
Тарк этарман Ваянган Исфиҳонни,
Йўқол, деб, ҳайдама мендай ўғлонни!
Ота, хафа қилдинг сен Ҳасанхонни.
Энди кўролмайсан мендай ўғлонни.
Ойим сенинг ақли-ҳушинг олгандир,
Шу феълинг менинг кўнглим ўртанур.
Кўрамизми-кўрмаймизми оллоёр,
Кўнглинг йўқотиш бўлса Ҳасанхонни!

Алқисса, Ҳасанхон отасидан аразлаб, дўкондан жўнаб кетди, тош таблага етди, кўк жийрон отни эгарлаб, абзаллаб олди. Тақиб кескир пўлатни, ёв-яроғини осиб, отини миниб шаҳардан чеккага чиқиб кетди. Отасининг сўзлари ёмон кўкайига ўтиб, кел, шу Гўрўгли билан бир солишиб кўрайин, унинг бир мардлигини синайин деди. Мард бўлса, у билан Чамбилга жўнайин, «жаҳонгашта бўлмай киши, дўсти, душманини билмас» деб Ҳасанхон отини йўрғалатиб, кетига қарамай, неча қирдан ўтиб, Исфиҳон тоғига етиб, Гўрўглининг ўтадиган йўлини пойлаб, кўп гапни ўйлаб, отини ўтлатиб, йўлнинг чекаси, тоғнинг чўққисига чиқиб, узоқдан келаётган Гўрўглини кўрди. Ҳасанхон айтди: «шу келаётган ўша Гўрўгли», деб қараб, панадан мўралаб, уйдек тошни ушатиб, ҳўкиздек тошни икки қўли билан азот кўтариб Гўрўглининг устига ташламоқчи бўлиб турди.

Гўрўгли келарди карвон йўлидан,
Яқинлашиб катта тоғнинг белидан.
Назаркарда Фирот бирдан кишнади,
Аёғини ерга тираб пишнади.
Гўрўгли жиловни маҳкам ушлади,
Отнинг кўзи оловдайин яшнади,
Фирот чопиб шопар ола бошлади.
Тоғ устидаги мерганни кўрди,
Қатта тош кўтариб турганни кўрди.
Яқинлашиб, бек Гўрўгли қараса,
Тоғ чўққисиди полвонни кўрди.
Ҳўкиздайин тошни олган қўпариб,
Даҳшат билан олган бирдан кўтариб,
Кўзлаб отса, тегса нобуд қилади,

Кимнинг йўлини пойлаб душман туради.
Бек Гўрўғли тоғ бошига қаради,
Тош кўтарган Ҳасан мардни кўради.

Бек Гўрўғли айтди: яша, ўлмагин,
Бу дунёда ёмонликни кўрмагин!
Утқунчига сен ҳалақит бермагин,
Тош кўтарар полвон шуми эрмагинг?!
Яхши эмас ўткинчини урмогинг.
Ўз элингда тоза хафа бўлибсан,
Кимга қасд бўп тоғ бошига келибсан?
Тош кўтариб бежо ишни қилибсан.
Зебо йигит кўнглингда кўп армонинг,
Мақсадинга етқирайин ўғлоним.
Юргин Чамбил элга олиб борайин!
Дўст худонинг оти бўлар қаддингдан,
Қайт феълингдан сен билан дўст кирайин!
Бизнинг элда на истасанг топилар.
Бизда ҳам бор зарварақли айвонлар,
Кўшки-мазгил неча ботир полвонлар.

Ҳасан айтди: отинг экан Гўрўғли,
Зотинг нима дейди сени шер ўғли?
Мамлакатинг бизга бунча мақтама,
Минган отинг тулпарми ё ахтами?
Олиб борсанг бизни Чамбил белига
Дўст кирсак кирайлик келгин берига.

[Ҳасанхон] тошни жойига ташлаб, Гўрўғли олдига
чнқмоқчи бўлиб турганини пайқаб, ўзи пастга тушди.
Гўрўғли билан кўришди. Қнёматли ота-бола бўлишди.

Гўрўғли айтди:

—Ўғлим Ҳасанхон, ҳали шошмай туратур, Чамбил
элига боришни вақти келиб қолади. «Энанг ўргилсин
бахтиёр, ҳамма ишнинг вақти бор», ҳозир отингни мин,
икковлашиб Зарчашманинг бўйига борайлик, қирқ
йнгитдан хабар олайлик, қалмоқларнинг йўлини пойлай-
миз, уларни ўз мамлакатига қараб ҳайдаймиз. Яна Ис-
фиҳонга кнрамиз, Одилшоҳни кўрамиз, олғилигимизни
олиб, бергилигимизни бериб, кейин Чамбилга борамиз,
деб бир сўз деди:

Бек Гўрўғли валломат дер ўзимни,
Бефарзандлик сарғайтирган юзимни.

Чамбилга он кетсам сендай кўзимни,
Бизнинг билан бирга бўлгин Ҳасанхон!

Сеники қилайин арк давлатимни,
Ургатайин сенга салтанатимни.
Миниб юргин назарқарда отимни,
Париларнинг ўгли бўлгин Ҳасанхон!

Агар бориб кўрсанг Чамбил юртимни,
Оға Юнус, Мисқол паризотимни.
Туққандан зиёт қип сен фарзандимни,
Беклигим даврини сургин Ҳасанхон!

Биби Ҳилол гўрда туққан Гўрўгли,
Синчи кўр Равшан Жиғалибек ўгли.
Бизнинг эл ҳам катта бордир Чортоғли
Элимнинг эгаси бўлгин Ҳасанхон!

Менинг айтган сўзларимга қулоқ сол,
Ботирликни биздан бориб машқин ол!
Ақлинг кўриб мендай ботир бўлган лол,
Бизнинг билан ҳамро бўлгин Ҳасанхон!

Устоз кўрган бир мақомда йўрғалар,
Устоз кўрмаган ҳар мақомда йўрғалар.
Отинг юрганда соз йўрғалар,
Пийитлик кайфингни сургин Ҳасанхон!

Майдон куни бедов отлар чопилар,
Терлаб келса, хоса жуллар ёпилар.
Борсанг бизга тоза кўнглинг топилар,
Олдинга пешвоз бўп чиқар парилар.
Кўрмоққа тўпланар қизлар, ўғиллар,
Кўркамдир, ободдир бизнинг мазгиллар.

Ана энди Гўрўгли Ҳасанхонга бу сўзларни айтганда,
Ҳасанхоннинг кўнглида меҳр пайдо бўлди. Ҳасанхон Гўр-
ўглининг мардлигини билиб, мардга мард бўлмоқ ке-
рак деб, Чамбил шаҳрига боришни, мардлик йўлини ўр-
ганмоқ истади, отини миниб жўнашликни қистади: ✓

Гўрўглибек олдиндан,
Ҳасан полвон кейиндан,
Отини йўлга солди.
Зарчашмани қидириб.

Гоҳи елиб, югуриб,
 Гўрўғли қилди гайратни,
 Йўрғалатди Фиркўк огни.
 Орқасидан Ҳасан полвон,
 Чув ҳо, чув деб, жўнаб кетди.
 Фиркўк отнинг туёғи,
 Юганда қизиб кетди.
 Бўйинини чўзиб кетди,
 Ҳасаннинг жийрон оти,
 Юришини тузатди,
 Жонвор бўйинин узатди,
 Фиркўк отга няриб,
 Сувлигин қатирлатди.
 Йўл юришни Гўрўғли,
 Ҳасанхонга ўргатди.
 Қир келса қиялатди,
 Жар келса жадаллатди.
 Арна келса ирғитди,
 Ўр келганда тўхтатди.
 Текис келса ўйнатди,
 Ияртириб Ҳасанни,
 Уч кеча-кундуз деганда,
 Зарчашма бўйига етди.

[Гўрўғли] кетганига етти кун бўлганда қалмоқ лаш-
 кари бир кечаси келиб қирқ йигитини ўраб олди. Қирқ
 йигит савашиб, қалмоқлар билан талашиб, икки кунлик
 йўлга душманни қувиб кетган эди. Гўрўғли Зарчашма
 бўйида қирқ йигитини кўрмади. Нима савдо рўй берди,
 қирқ йигит Чамбилга қайтиб кетдимиз ёки қалмоқларнинг
 ҳадди ўтдимиз, қирқовини ҳам асир қилиб кетдимиз,
 деб Гўрўғли [Ҳасанхонга] бир сўз айтиб турибди:

Тоғ орада қирқ йигитим бўлмади,
 Кўрмай уларни менда қарор қолмади,
 На сабабдан қирқ йигитим келмади?
 Туринг деган эдим чашма бўйида,
 Қалмоқлар тушдимиз улар пайига?
 Қувиб кетдимиз ё душманни жойига?
 Нима бўлди улар берда⁷ турмади?
 Мен кетганда қалмоқ душман келдимиз?
 Зўрлик қип уларни банди қилдимиз?

⁷ Берда — бу ерда.

Тоғ орада бирон гурбат бўлдим?
Нега берда қирқ полвоним турмади?

Улар сира бўйин эгмас шерларим,
Ғазо куни гуркираган эрларим,
Уларни боплайлик Ҳасан ўғлоним,
Зарчашма бўйида эди маконим.
Чамбилдан келган қирқ полвоним,
Қалмоқлар ёв бўлиб берда келдими?
Қирқ йигитлар чиқиб саваш қилдими?
Еронларга бирон савдо бўлдим?
Ёки ғанимларни қувиб сурдим?
Бу жойларни ёки арвоҳ урдими?
Ҳасан болам қиёматли ўғлим бўл,
Боғимда очилган тоза гулим бўл!
Тутинган фарзандим жони-дилим бўл!
Қидиришга бизнинг билан бирга юр!

Ана энди Ҳасанхон бу сўзларни эшитиб:— Майли бо-
райлик, дўстларни қидириб кўрайлик, уларнинг қаерга
кетганини бирон киши кўринса сўрайлик,— деди. Гўрўғ-
ли олдин, Ҳасанхон кейиндан йўл тортиб, йўл тортса
ҳам мўл тортиб, бир кеча-кундуз юриб қарасалар, чуқур
сойда, урҳо ур, сурҳо сур деб, Турсун бошлиқ йигитлар
қалмоқлар билан саваш қилиб ётган экан.

Ана уруш майдони,
Гала қалмоқ душмани.
Ур ҳо ур, сур ҳо сур деб,
Саваш қилиб ётибди,
Гўрўғлининг қирқ полвони.
Саваш ҳаддидан ўтган,
Душман тўпланиб кетган,
Ғаним ҳаддидан ўтган,
Қирқ йигитни қиргани.
Чамбил элнинг полвони,
Душманларни қийратган,
Қараган кўз қамашган.
Турсун айтди, эй, душманлар,
Қиларсизлар пушмонлар.
Орқамиздан келади,
Бек Гўрўғли султонлар.
Сизлар қирқ минг кишисиз,
Одилшоҳнинг ғашисиз.

Қалмоқ лашкарларига,
Кўпинг лашкарбошисиз.
Шунча кишини сурасиз,
Шоҳ амрини қиласиз.
Бизлар қирқ йигитларни,
Тоза ҳазил биласиз.
Бек Гўрўғли келганда,
Армон билан ўласиз.

Қалмоқ бари тўпланиб,
Ҳамла қилар тобланиб.
Яқинлашиб қирқ полвондан,
Зарба олар бопланиб.
Дўстумон бўлиб йиқилиб,
Оғзи тошга қопланиб,
Бир хили етаман деб,
Мен ундан ўтаман деб,
Нохос бир жойдан тегса,
Индамай етаман деб,
Ураб олган сонсиз қалмоқлар,
Гала номард аҳмоқлар.
Сонсиз гала ғанимни,
Қирқта полвон тўқмоқлар,
Чамбил эли чақмоқлар.
Уруш кўп қизиб кетди,
Ғанимлар тўзиб кетди,
Гўрўғлининг қирқ полвонни,
Душманларнинг шаштини,
Ҳар дойим бузиб кетди.

Ана энди Гўрўғли қўшинни қалмоқлар ўраб олган,
етти кеча-кундуздан буён саваш қилган... қирқ йигитини
кўриб, Ҳасанхон ўғлига қараб, бир сўз айтди:

Ҳасанхон болам, томошани кўр энди,
Тепанинг устига чиқиб тур энди!
Душманларнинг билмаганин билдирай,
Буёғларга келмайдиган қилдирай!
Қирқ йигитдан бориб навбат сўрайин,
Ев устига от бошини бурайин,
Савашга киришдан таълим берайин.
Қараб томоша қил, дейман Ҳасанхон!
Мен ҳам кирай дема, сен ёшсан, ўғлон,
Кўзинг мендан узмай тургин қадингдан!

Азаматлар саваш қилиб ётибди,
Қалмоқлар тоза ҳаддан ўтибди.
Улар кўпчил⁸ қирқ йигитлар чарчаган,
Полвонларимга ёрдам берайин.

Ҳасан айтди: ота мен ҳам кирайин,
Бирга-бирга қаватингда юрайин.
Таълимингни кўриб, билиб олайин,
Бир томондан мен ҳам бориб қирайин,
Саваш куни томоша бўп турами?
Узоқдан таълимни олиб бўлами?
Агар олиб борсанг мамлакатинга,
Ҳунар ўргат мендайин фарзандинга!
Олиб киргин мени ҳам қаватинга!
Қалмоқларнинг билмаганин билдирай,
Бу элларни душманлардан тиндирай,
Кетар чоғда элнинг дуосин олай,
Сенинг билан, ота, Чамбилга борай.
Чамбил элда даври-давронни сурай,
Ҳасан айтди, рухсат беринг мен кирай!
Уруш таълимини мен билиб олай,
Сиз агар бўлсангиз пири устозим,
Отамдан зиёдсиз эй валломатим,
Қиёматли отам дейман мен сизни.
Урушга ҳамро қип кирингиз бизни!

Гўрўғли бу сўзларни Ҳасанхондан эшитиб, «ёш бола-
нинг раийни қайтармай, кел, буни ҳам қаватимда олиб
кирай» деб Ҳасанхонни ияртиб, қалмоқлар устига ёпи-
рилиб келаверди.

Туриш бер, қалмоқ бемаъни,
Гала юртбосар душмани!
Бугун яна етиб келди,
Кўрганинг Чамбилнинг хони.
Қаватимда ҳамро бўлган,
Исфиҳон Ваянган полвони.
Саваш қандай бўлар экан,
Қочмай туравергин қани?!
Бугун мен додингни берай,
Биттангни қўймасдан қирай,
Гўрўғли майдонга кирди,
Қаватнда Ҳасан марди.

⁸ Кўпчил — кўпчилик.

Ғанимлар энди шўринг қурди,
Худо тос тепаиҗдан урди
Мард кишининг иши ўнғди(р),
Таратар оламга донғди.
Душман кўрар шабаданғди,
Шу кунда аҳволи танғди.
Қоч душман, Гўрўғли келди,
Қочмасанг ажалинғ тўлди,
Мурданг катта сойда қолди.
Бугун қиёмат кун бўлди.

Бек Гўрўғли, Ҳасанхон,
От бошини ёвга солди.
Урушганим кўрмадинғми?
Тазринғни емадинғми?
Тоғ орада кўрганингда,
Ҳали ҳам тавба қилмадинғми?
Қирқ йигит лочинларимни,
Тоза кўзга илмадинғми?

Гўрўғли аралашди,
Аямай кесар бошди.
Душманнинг ақли шошди.
Ҳасан полвон майдонда,
Бу ҳам дарёдай тошди.
Қалмоқ душманлариман,
Бу ҳам танги савашди.
Чндаш бермай душманлар,
Орқага қарамай қочди.

Гўрўғлибек сурибди.
От жиловни бурибди.
Ўнғ-чапга силтаб қилич,
Душман шўри қурибди.
Қалмоқларнинг подшосин,
Кўрди қора гўрлонни.
Тошоша қинғ, Гўрўғли,
Кўзлаб қувди у хонни.
Хондан лашкар ўтиб кетди,
Хон ҳисоби йитиб кетди.

Гўрўғли отни йинатиб,

Сувлиғини чайнатиб,
Душман зардасини қайнатиб,
Орқасидан келиб етди.
Ягринидан найза уриб,
Дўстумон қип йиқитди,
Қалмоқларнинг подшосин,
Ажал паймони битди.
Шундай қилиб подшоси,
Бу ҳам оламдан ўтди.
Бек Гўрўғли келганда,
Шундай ишни қилибди.
Қолган лашкарлари-чи,
Келмас бўп юртига кетди.
Гўрўғли шундай қараса,
Қалмоқ қораси ўчди.
Келмас бўп юртига,
Орқага қарамай қочди.

Ҳасанхон ҳам қалмоқни,
Биздан кўр, деб солмоқни,
Кўп кишини ўлдирган,
Зўрлигини билдирган.
Гўрўғлининг қирқ йигити,
Ҳасан полвонни кўрган.
Гўрўғли хонни кўрган,
Бари қувониб турган.
Орқамиздан келганлар,
Бизга ёрий берганлар,
Биздан хабар олганлар.

Душман кўринмай кетди.
Балки юртига етди.
Шунча судралиб юргани,
Бари бекорга кетди.
Шундай қилиб Гўрўғли,
Иш кўрсатиб келибди,
Ҳасанхонни кўрибди.
Қирқ йигитлар тўпланиб,
Бир-бировин кўрибди.
Ҳоли аҳвол сўрабди.
Зарчашманинг бўйига,
Бари тўпланиб келибди.

Ана энди Гүрүғли қирқ йигити билан, шаъни-шавкати билан, Ҳасанхон фарзанди билан Зарчашманинг бўйига келишиб, отлардан тушиб, бир-бири билан кўришиб, ҳолаҳвол сўрашиб, Гүрүғли йигитларига қараб, баракалло қирқ йигитим деб, бир сўз айтди:

Паҳлавондек интилиб,
Майдона сен қирқ йигитим,
Ҳайбат отдинг шер каби,
Душмана сен азаматим.
Халқ учун хизмат қилган,
Мардона сен шеру мардим,
Обрўйим, кўрким менинг,
Дурдона сен қирқ йигитим.

Мард учун жоним фидо,
Илҳом келиб сайрар тилим,
Мард бўп келган қаватимга,
Ваянганлик Ҳасан улим⁹.
Сўлдириб душман гулин,
Ҳаммангиз ҳам жону дилим,
Ҳамма айтар халқ учун,
Мардона сен шеру мардим.

Келгунимча душманинг
Сафини вайрон айладинг,
Жонига ўтлар ёқиб,
Бағрини қон айладинг.
Кўп душманни ўлдириб,
Ёзин зимистон айладинг,
Халқ учун ҳам, эл учун,
Мардона сен шеру мардим.

Келган экан душманлар,
Бу элларга захрин сочиб,
Бек Гүрүғли сизларман,
Келгандир майдон очиб,
Қалмоқларнинг подшосини,
Ўлдириб, уриб, янчиб.
Қолганлари кетди юртига,
Келмас бўлиб, шошиб, қочиб,

⁹ Улим — ўғлим.

Халқ учун ҳам, эл учун,
Мардона сен шеру мардим.

Бориб келдим йўл тортиб,
Шаҳри Исфиҳонга,
Иззат қилди, меҳмон бўлдим,
Одил шоҳнинг ёнига.
Ҳасанни олиб борсак,
Чамбилнинг қўрғонига
Шер йигитим, эр йигитим,
Сойибқирон авлодим.

Ана энди Гўрўғли қирқ йигитлари билан Зарчашма бўйида суҳбатлашиб, Ҳасанхонни ўртага олиб, иззат-икром айлаб турган эди, Исфиҳон подшоси Одилшоҳ элчиларини олдин юбориб, ўзи кейин қанча сипоҳи-навқар амалдорлари билан Зарчашма бўйига келишиб, Гўрўғлини, қирқ йигитини, темирчининг ўғли Ҳасанхонни кўриб, беклар шоҳ билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, Зарчашма бўйи яшнаб, суҳбатлашиб, Одилшоҳ деди:

— Элатга юрингизлар, кайфингизни сурингизлар, борарсизлар Чамбил элингизга, Така-Евмит мазгилингизга. Юрингизлар. Шунда Гўрўғли Одилшоҳга қараб бир сўз айтиб турибди:

Бизларга рухсат бер Одилшоҳим,
Кечиргил сен, бизни бўлса гуноҳим [из],
Рухсат берсанг арзимизни айтайлик,
Жавоб бергин юртимизга қайтайлик!
Паноҳ истагандинг келдим элингга,
Ботиримни олиб ўнги-сўлимга.
Кийик қувиб Ҳасан чиқди йўлимга.
Қирғин бердик қалмоқ душман золимга.
Олтмиш тўрт кун меҳмон бўлдик элингга.
Душманларнинг билмагани билдирдик,
Юртбосарнинг рухсорини сўлдирдик.
Қалмоқларнинг подшосини ўлдирдик.
Энди тинч яшайвер бориб элига!
Душман кетди, жаҳаниамнинг йўлига.
Бердан бориб Исфиҳонга тўй бергин,
Очга нон, беватанга жой бергин!
Сағиру-кабирнинг раҳмини егин!
Кўп йилгача яша шоҳим, ўлмагин,

Бизга керак сенинг жавоб бермоғинг!
Кетайлик энди Чамбил шаҳрига,
Эл бор жойни душман олар қаҳрига.
Қелганимга мана уч ойдан ошди,
Хабар олай, юрт аҳволи не кечди.
Бизга ҳам солмасин душман ташвишди.
Қалмоқларман анча қилдик урушди.
Халқ учун, эл учун қилиб хурушди.
Жавоб бергин, Одилшоҳим, бизларга!

Ана энди Одилшоҳ Гўрўғлининг бу сўзларини эшитиб, бир сўз айтди:

Чамбилнинг шаҳридан келган меҳмоним,
Сизлар учун тасаддуқдир бу жоним.
Қолсангизлар элим сизга муборак,
Борсангизлар йўлинг сизга муборак.
Қолсангизлар берай хазна — заримни,
Беш юзта берайин моя — норимни.
Агар кетсанг йўлинг бўлсин Гўрўғли,
Така-Евмит элинг бўлсин Гўрўғли.
Орқангдан юборай карвонларимни,
Майли сенга берай ҳарна боримни.

Бек Гўрўғли дер: шоҳим ундай демагин,
Бу давлатинг насиб қилсин ўзинга!
Омон-эсон боргин эли-тузинга!
Менга эмас етим-есирга бергил,
Бориб камбағалнинг раҳмини егил!
Оқ кўнгилман бизларга жавоб бергил!
Бизлар борайлик элатимизга,
Рози бўлгин қилган хизматимизга!
Бизнинг элимизга меҳмон бўп боргин,
Дўст бўлсанг ситқидилдан дўст бўлгин!
Қайда душман бўлса, унга қасд бўлгин,
Бу дунёда ёлғон бўлма, рост бўлгин!

Ана энди Гўрўғли кетар бўлди, Чамбил шаҳрига ўтар бўлди. Одилшоҳ шунча тавалло қилди, сира бўлмади. Алқисса, икки хон кўришиб турган эди, Одилшоҳнинг Чамбилга кетган карвонлари келиб қолди.

Гулдур-гулдур карвон келди,
Қарвон билан сарбон келди.

Лўкча нори тиркалиб,
Жиҳазига суйкалиб,
Гоҳ тўлғаниб, чайқалиб,
Қатор бўлиб карвон келди.
Устига мол қалашган.
Қараган кўз қамашган,
Афзаллари ярашган,
Қарвон билан сарбон келди.
Савдоси тўлиб-тошиб,
Неча боғлардан ошиб,
Из-нзидан улашиб,
Бир роҳати жон келди.
Кўзлаб Чамбилни борган,
Эркин савдосин қилган,
Керакли зотлар олган,
Давлати аркон келди.

Ана энди Чамбил шаҳрига кетган карвонлар савдоситигини қилиб, қайтиб, элга яқинлашдик деб, қарасалар, Гўрўғли қирқ йигити билан, Одилшоҳ қанча одамлари билан Зарчашма бўйида турибди, карвонларни олди тўхтаб, кети яқинлашиб Гўрўғли, Одилшоҳ билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Гўрўғли Чамбил элдан хабар сўраб бир сўз айтди:

Чамбилнинг шаҳридан келган карвонлар,
Хабар беринг, бизнинг элда не гап бор,
Одилшоҳдан бизга борган меҳмонлар,
Чамбилнинг шаҳридан сўзланг баякбор.

Қиришликка берган эдим ихтиёр,
Уч ой бўлди, мен шаҳримдан беҳабар.
Бу жойларга етказгандир меҳрибор,
Чамбил элда қолган барча дўсти-ёр,
Бизнинг шаҳарлардан берингиз хабар!

Чамбилда қолгандир Юсуфбек сардор,
Мен боргунча ўшандадир ихтиёр.
Аҳмад сардор тоғам биздан гинадор,
Сўйлангизлар ул шаҳримда на гап бор?

Омон-эсон турибдими парилар,
Неча қоровуллар, посбон йигитлар?

Чамбил элда қолган қанча кирдикор,
Гўрўғлини айлангизлар хабардор!
Айтингизлар элатларда на гап бор?!

Чамбилга боришга кўнглим талпинар,
Бир гап бўлган ўхшар дейман баякбор.
Тўғрисини айтингизлар қарвонлар.
Бизнинг шаҳарларда нима гаплар бор?!
Одил бобом юрингиз деб қўймайди,
Бу жойларда ҳаёлласам бўлмайди.
Бек Гўрўғли сиздан хабар тинглайди,
Шунинг учун сиздан ҳозир сўрайди.

Ана энди қарвонбоши айтди:

Эй Гўрўғли, нимасини сўрайсан... бизларнинг ҳам
ҳаёллаганимиз (сабаби) бир ойдаи буён Чамбил қўр-
ғонидан чиқолмай саройнинг ичида ётдик. Омон-омон
бўлгандан кейин жўнадик. Нимасини сўрайсан, Чамбил
шаҳрида тоғанг Аҳмад сардор катта тўполон қилди,—
деб қарвонбоши Чамбил шаҳридаи хабар бериб бир сўз
айтди:

Қулоқ сол, Гўрўғли, айтайин изҳор,
Эл бор, одам бор ерда душман бор.
Чамбил элга бизлар кирдик муқаррар,
Бир душманинг экан тоғанг Аҳмад сардор.
Қаватига йиғиб кўп йигитларни,
Тахтипойга ҳужум қилди муқаррар.
Лекин иш кўрсатди Юсуфбек сардор,
Чамбилнинг йигити чиқди баякбор
Иложини тополмади Аҳмади сардор,
Биров кел, бек Гўрўғли келди дегандан,
Чиқиб кетди Чамбил шаҳри қўрғонидан.
Ҳамма тинчиб қолди омон-омондан,
Шундай савдо эшитганмиз қўрғондан,
Босган муҳринг бизга кўп мадад берди,
Ёмон эмас, ишимиз ривож олди.
Ҳурмат қилиб беклар кузатиб қолди.
Ёринг биздан [сенга] салом юборди.
— Деди, биз йўлига кўп интизорди.
Катта-кичик сени сўраб юборди,
Эшитсанг шул биздан энди хабарди.

Ана энди Гўрўғли бу сўзларни эшитиб, энди Чамбил шаҳрига кетишликни тезлатди. Қирқ йигит тайёрланди, Гўрўғли Ҳасанхонни қаватига олиб жўнашга ҳозирланди.

Одилшоҳга «энди бизларга ситқи дил билан жавоб беринг» деб [Гўрўғли] бир сўз айтди:

Ихлос билан шоҳим қўлингни кўтар,
Меҳмонларинг энди юртига кетар,
Шоҳим дуо билан энди бўлинг ёр,
Одил бобо то кўргунча оллоёр!

Келмас бўлиб кетди душман қалмоқлар,
Адабини еди гала аҳмоқлар.
Иш кўрсатди Чамбилбелли чақмоқлар,
Энди бизга жавоб бермоғинг даркор.

Бизлар бормоқчимиз Чамбил шаҳрига,
Сизлар қолингизлар манов диёрда!
Сиз ҳам сафар қилинг бизлар томонга,
Одилшоҳим соғ бўлингиз омонда!

Орқасидан Одилшоҳ Гўрўғли, йигитларига, Ҳасан полвонга қараб, уларни йўлга узатиб, бир сўз айтиб тургани:

Майдон-майдон Ғиротингни елгайсан,
Ғанимларни ерла яксон қилгайсан,
Борар бўлсанг йўлинг бўлсин Гўрўғли,
Бол Ҳасанхон улинг бўлсин Гўрўғли!
Чамбил элга соғ-саломат боргайсан!

Иш кўрсатдинг Исфиҳондай элимга,
Ботирингни олиб ўнги-сўлингга.
Қалмоқларнинг билмаганин билдирдинг,
Элимнзни душманлардан тиндирдинг.
Эли-халқим бўлди сендан миннатдор,
Сенман бўлдим қиёматли дўсти-ёр,
Ҳамманг элатинга соғ-саломат бор!
Етказдинг бизларни бахтли замонга,
То кўргунча Гўрўғли бўл омонда!

Ана энди Гўрўғли Чамбилга жўнаб кетаверсин, гапни Одилшоҳдан эшитинг. Одилшоҳ карвонларни жў-

натиб, хизматкор посбонлари билан Исфиҳон шаҳрига келдилар. Гўрўғлининг айтганини қилиб, эли-халқини йигдириб, семиз қўйлардан сўйдириб, камбағал, яланғочларни кийдириб, очларни тўйдириб, қарнай-сурнай чалдириб, ўйинга, томошага энди халқни қондириб, қирқ кеча-кундуз тўй берди.

Алқисса, Гўрўғли қирқ йигити билан, Ҳасанхон исфиҳонлик ўғли билан Чамбилга, Асқар тоғига яқинлашиб қолди. Гўрўғли элатига яқин келиб қолганини Чамбилга билдириш учун икки чопар юборди. Чопарлар Гўрўғлидан олдин Чамбилга яқинлашиб,— Гўрўғли келди,— деб бир сўз айтиб борапти:

Бугун шери замон келди,
Ғанимларга туман келди.
Дўстларга шодиён келди.
Бек Гўрўғли султон келди.

Неча тордан ошиб келди,
Дарёдай бўп тошиб келди.
Қирқ йигити қаватида,
Ҳасанхонни қўшиб келди.
Эшитмадим деманг додҳо,
Сизга роҳатижон келди.

Ваянган — Исфиҳон кетган,
Душманларини бўзлатган,
Дўстларини хурсанд этган,
Ҳасанхонни ҳамро қилиб,
Сизга янги меҳмон келди.

Неча кунлар сафар айлаб,
От-абзалларини шайлаб,
Қалмоқларга хатар айлаб,
Чамбил эллик Султон келди.

Қирқ йигити орқасидан,
Ияртиб саркардасидан,
Олиб Исфиҳон эркасидан,
Ваянганлик Ҳасан келди.

Яшнайти боғларнинг гули,
Сайрайди шайдо булбули.

Юнус, Мисқолойнинг ёри,
Қирқ минг уйлининг раҳбари,
Келмоқда лочин сингари,
Пешвоз чиқинглар илгари!
Гўрўғлининг амри шудир.
Ҳасанхонни кутиб олинг,
Иzzат-хурмат этиб баринг!

Ана энди Чамбил элига хушxabар тарқалди. Гўрўғлининг келишини Юнус, Мисқолпарилар эшитиб, устн чодирлнк аравага миниб, парилар олдин, Чамбил беклари, йигитлари кейин кутиб олишга шошилдилар. Ҳасанхонни кўрайлик деб йўлнинг икки ёқаси одамга тўлиб кетди.

Ғиротнинг кишиаган товуши келди,
Пешвоз чиқиб олдидан бувиши келди.
Томошага берга кўп киши келди,
Еронлар бизга давлат қуши келди.

Йигитларнинг минган оти ярашган,
От устида жасадлари ярашган.
Ҳасан исми-шариф оти ярашган,
Чамбилнинг раҳбари — сарпоши келди.

Овдан Исфиҳонга талаб айлаган,
Йўлдан бориб душман йўлин пойлаган,
Душманларни жаҳаннамга жойлаган,
Исфиҳон подшоси меҳмон айлаган,
Элатим-юртим деб яна ўйлаган,
Ана Ғиркўк отнинг товуши келди.

Гўрўғлининг кетар пайтин пойлаган,
Душманлари ёмонликни ўйлаган,
Тарафма-тараф бўп жанжал айлаган,
Қизиганларнинг бир совуши келди.

Бек Гўрўғли кирди элга,
Чортогли Чамбил белга.
Томошабин чиққан йўлга,
Ҳар қайси иззати билан,
Топганини олиб қўлга,
Одам тўлган ўнги-сўлга.

Бек Гўрўғли келди дейишиб,
Яхши кунлар бўлди дейишиб,
Душман куйиб ўлди дейишиб.

Гўрўғли кирди шаҳарга,
Учраб қолди париларга,
Юнус, Мисқолойлар келди.
Араваси ғилдирларди,
Гўрўғлининг олдидан чиқиб,
Ҳасанхонни кутиб олди.

Ана энди Юнус, Мисқолойлар Гўрўғли билан кўришиб, Ҳасанхонни ияртиб, қўрғонга олдин жўнади, Гўрўғли кетин, қирқ йигитлар ҳам Гўрўғлига ияриб жўнадилар.

Ҳасанхонни йигит-қизлар ўртага олиб, томоша айлаб бораяпти.

Ҳасан шундай йигитди,
Ҳусни тўлган ойдаин.
Минг қўй сотган бойдаин,
Қоши-кўзи ёйдаин.
Қоматлари келишган,
Қийган тўни ярашган.
Қараган кўз қамашган,
Қизлар кўриб талашган.
Ен-ёнидан қарашган,
Йигитлари сўрашган.
Томошага келганлар,
Анча қизу ўғлонлар.
Ҳасанхондай лочинни,
Қизлар туюб сочини.
Агар шу мени олса,
Берай қучоқ муччини.
Ҳасан кирди шаҳарга,
Гул очилган баҳорга.
Келди бизнинг диёрга.
Бир хил қизлар кўрибди,
Ер бўлса мендай дилбарга,
Дея орзу қилибди.

Ана энди Гўрўғли ҳам давлатхонасига келиб, Фиротдан тушди. Мироҳўр Фиротни етаклаб, совутиб, тош-таблага олиб кириб, яланғочлаб, кишовлаб Фиротни парва-

риш қилиб, емини берди. От Муроҳўрни кўриб ўйноқлаб,
эркаланиб турган эди, Муроҳўр отга қараб бир сўз ай-
тиб тургани:

Эй жонивор келдинг манга,
Бординг шаҳри Исфиҳонга,
Бек Гўрўгли борган экан,
Ул шаҳарга катта жангга.
Яна етиб келдинг манга,
Кўп хизматим бордур санга.
Ем бердим бахмал тўрвангда,
Бориб келдинг Исфиҳонга,
Даҳшат солиб сан душманга,
Бек Гўрўгли қуруқ эмас,
Ота бўлибдир Ҳасанга.
Неча тоғлардан ўтибсан,
Душманни қон йиғлатибсан.
Бек Гўрўгли султонга.
Катта хизматлар этибсан.
Эй жонивор жоним Ғирот,
Мен боқарман молим Ғирот,
Сени минган топган мурод,
Қўлтиғингда бордир қанот.
Чув деса қушдан ўтарсан,
Ҳали кўп иш кўрсатарсан,
Чамбилни обод этарсан.
Сендир Гўрўглининг оти,
Тулпар ўтгандир зурёти,
Чамбилнинг насби давлати,
Муроҳўр қилар хизматти,
Ўйна Ғирот, ўйна Ғирот!

Алқисса, Муроҳўр Ғирот билан овора бўлиб тош-таб-
лада тураверсин, гапни Гўрўглидан эшитинг.

Гўрўгли давлатхонага тушган пайтда беклар, хиз-
маткорлар Гўрўгли билан кўришиб, иззат-икром қили-
шиб, Гўрўглининг ўрнига қолган Юсуфбек сардор ҳам
Гўрўглибек билан қучоқлашиб кўришди. Овга кетар
пайти Гўрўгли айтиб кетган эди: мабодо мен хаёлласам,
келолмасам, бошқа мамлакатга бориб қоларман, Юсуф-
бек менинг ўрнимга бошлиқ бўлиб, элимни сўраб тур-
син,— деган эди, Гўрўгли кетгандан буён Юсуфбек мам-
лакатни сўраб турган эди: Чунки Гўрўглининг душмани
кўп эди. Бир душмани Аҳмад сардор тоғаси эди, Аҳмад

сардор тоғаси кўп дуоғдор эди. Гўрўғли бир ёққа жўнаса, пайт шу пайт Аҳмад сардор йигитларни айнитиб, аввал уларга зиёфат бериб, макр-ҳийла билан уларни ўзининг сўзига солиб олар, Гўрўғлига душман қилар эди. Давлатхонани талар, қўлидан келган ҳунарини қилар эди.

Ана энди Юсуфбек сардор Гўрўғлига тахтни топшириб:

— Омонатингизни олинг! Аҳмад сардор билан қола била айтишинг, неча кун қароқчилик қилиб, кечаси келиб, тўпалон қилиб, бола-чақани қўрқитди. Бизлар ҳам бўш келмадик. Қўрғонни қўлдан бермадик. Сизнинг йўқлигингизни билдирмадик, душманга ҳеч зот олдирмадик.

Гўрўғли бу сўзларни эшитиб айтди:

— Ул тоғам бир кўнгли қора одам. Ҳамиша мен бир жойга кетсам, тўполон қилиб юради. Майли, ўтган ўтди, эндиги ишни кўрайлик. Менинг фарзандим йўқ тўққандан, тутинган Ҳасанхон менга фарзанд бўлсин, Мисқол пари ёқасидан солиб, этагидан олсин. Тўйлар берилсин, элатларга хабар қилинг деб, жарчи, хизматкорларга Гўрўғли бир сўз айтди:

Чамбил элга қирқ кун тўйни беринглар,
Элатимга чиқиб хабар қилинглар!
Соисиз туя, биялардан сўйдиринг,
Қирқ минг уйли элатимни йиғдиринг!

Ким келса, ҳам кийдиринг, ҳам тўйдиринг!
Ун беш кунлик йўлдан пойга қўйдиринг!
Ғайрат қилинг, ўчоқларни ўйдиринг!
Тўй бўлган сўнг кўпкарини чоптиринг!
Иш кўрсатганларга сарпо ёптиринг!

Бол Ҳасанхоннинг кўнглин топтиринг!
Мешкопларга тездан сувни септиринг!
Ҳасанни оп келдим тахти-пойимга,
Агар ўлсам шв эгадир жойимга.
Ўғил бўлсин у Мисқол ойимга.

Пўлатдандир тулпар отнинг тақаси,
Мен ўлсам шудир Чамбил эгаси.
Тўй-томоша беринг Чамбил белимга,
Душманлар куйиб ўлсин ҳолимга!
Тақдир қилсин давлат Ҳасан улимга!

Эшитмадим дема оғолиқ, додҳо,
Хизматкорлар тайёр турсин хизматга!
Хазина оғзини тездан очинглар,
Дўстларнинг устидан гуллар сочинглар!

Умринг узоқ бўлсин Юсуфбек сардор,
Биз келгунча элдан бўлдинг хабардор!
Дўстлар келсин душман бўлсин хори зор,
Гўрўғлининг айтган сўзи шу бўлар.

Ана энди хизматкорлар хизматда бўлди, баковулар хурматда бўлди, жарчилар қирқ минг уйли элатга хабар қилди. Учоқлар ўйдирилди, семиз биялардан, қўйлардан сўйдирилди. Меҳмонларнинг олди кела бошлади. Қалин гиламларни ташлади. Созандалар ўйнади, ноғорачи, сурнайчилар кўрғон устига чиқиб ноғора, мустарлар чалди; шоирлар бўтадек бўзлади, туркман қизлари саф тортиб мақом қилиб ўйнади; масқаравозлар нағмасини қўймади. Бир ёқдан кўпқари пойгасини берди, Гўрўғли, Юнус, Мисқолпарилар Ҳасанхон ўғлонни ўртага олиб, қанча сардор сипоҳилар чақ-чақ қилиб турди. Мисқолпари Ҳасанга меҳрибонлик қилиб, канизлар Ҳасанни кўтариб, Мисқолойнинг ёқасидан солиб, этагидан олди. Ҳасанхонни туғмаса ҳам, туққандан зиёд фарзандим, деб Мисқолпарни бир сўз айтди:

Хурсанд кўнглим яна шодликка тўлсин,
Тўй устига яна кўп тўйлар бўлсин!
Ҳасан болам бўлсин, нурларга тўлсин,
Худо бефарзандларга фарзанд берсин!
Қиёматли Ҳасан болам ул бўлсин!
Боғимда очилган қизил гул бўлсин!
Бизнинг элга келган кўп хурсанд бўлсин!
Ҳолимизга душманлар куйиб ўлсин!
Ҳасан манга қиёматли ул бўлсин!

Бу сўзларни эшитиб, Гўрўғлининг ҳам димоғи чоғ бўлиб бир сўз айтди:

Хурсанд қилинг дўстлар шу фарзандимни,
Ваянганлик Ҳасанхон қанотимни!
Шуники қиларман мен давлатимни.
Ургатарман манов санталатимни.
Темирчининг ўғли, оти Ҳасанхон,
Миниб юрсин Ҳасан хоназотимни!

Исфиҳонда катта саваш қилганман,
Элатини ёвдан асраб қолганман.
Исфиҳонга келган қалмоқ душманлар,
Одилшоҳга тараф бўлиб келганлар,
Уста Ҳасан отимга нагал қоққан.
Гўрўғли чиқиб урушга,
Майдоннинг машъалин ёққан.
Қирқ йигитим савашда бўлган чаққон,
Ҳасан полвон бўлиб майдонга чиққан.
Мардлик билан келди Ҳасан элимга,
Ҳунар ўрганишга менинг қўлимга.
Иззат-ҳурмат этнинг Ҳасан улимга,
Тўй устига тўйлар бўлсин элимга!

Ана энди Гўрўғлининг сўзини беклар маъқуллади. Ун беш кунлик йўлдан пойга бошланди. Майдонга пойгачилар йиғилди. Ҳасанхон Гўрўғли отасига қараб, «мен ҳам пойгага борайин», деб ўзи миниб келган жийрон отини минди. Гўрўғли бунга рози бўлди. Ҳасанхон ҳам келиб пойгага қўшилди.

Ун беш кунлик йўлдан пойга бошланди,
Ҳасанхоннинг кўнгли тоза хушланди.
Душманларнинг сири яна фошланди.
Ҳайдаб борар пойгачилар йўлига,
Томоша қинг Ҳасанхондай улига,
Иш кўрсатди манов Чамбил элига.
Пойгачилар қолиб кетди кейнида,
Марднинг ғузнури бордир бўйнида.
Минган оти Ҳасанхоннинг сарадн(р),
Ҳайда ўғлон, дейди, кетиб боради,
Олдин борар кўрди битта қорани,
Ул қора сардор Аҳмад томондан келган;
Ул қорани кўзлаб отин ҳайдади.
Ҳасанхоннинг ғайрати кеп боради.
Бир соатда унга етиб олади.
Икки отлар борар йўлни талашиб,
Балки Ҳасан полвон ўтгандир ошиб.
Орқасидан отлар келар улашиб,
Йўлни бари бир-бириман талашиб.
Пойга бўлди, қизиқ ҳангома бўлди,
Ҳасанхон пойганинг олдини олди.

Ана энди Ҳасанхон пойгабоши бўлиб келди, Гўрўглининг Ҳасандан кўнгли тўлди. Тўйга келган меҳмонлар, бу Гўрўглининг Ваянгандан олиб келган фарзанди деб хурсанд бўлди. Гўрўгли Ҳасанга бош-оёқ сарпо бериб, яхши жой берди. Гўрўгли Ҳасанга бир коса май узатиб:

Мардлик билан бизнинг элга келибсан,
Хуш келибсан, қуллуқ бўлсин бу макон!
Ситқи бизга келиб ўғил бўлибсан,
Туққандан зиёддир ўғлим Ҳасанхон.
Ғиротимни миниб майдон кўзладим,
Душманларнинг бағрин чақиб тузладим.
Шу сафарга сендек йигит изладим.
Шер йигитим, жони-дилим Ҳасанхон,
Келиб кўрдинг мана мамлакатимни.
Топиб келдим мен сендай фарзандимни.
Мен ўлсам сеники, бу давлатимни,
Миниб юргин назаркарда отимни.
Тулпарнинг эгаси бўлгин Ҳасанхон!

Мард киши билади номус-орини,
Ўғли бўлдинг Юнус, Мисқолпарини(нг).
Сенга топширарман кирдикоримни,
Кирдикор эгаси бўлгин Ҳасанхон!
Чамбилда валломат дейди ўзимни,
Фарзандим дедим, Ҳасанхон кўзимни.
Шуники қиларман эли тузимни.
Элимнинг раҳбари бўлгин Ҳасанхон!

Бугун равшан бўлди менинг димоғим,
Булбули сайраган гуллаган боғим,
Така-Евмит элим, манов чортоғим,
Чортоғининг эгаси бўлгин Ҳасанхон!
Кўп йил яшаб, даврон сургин қаддингдан!

Ана энди Ҳасанхон Гўрўглига ўғил, ҳам Чамбилга бек қилиб тайинланди, деб элатдан-элатга, оғиздан-оғизга ўтиб, таърифи қирқ минг уйли Така-Туркмаиға эшитилди. Гўрўгли қирқ кеча-кундузлик тўйни тарқатиб, қирқ йигити, Ҳасанхон ўғли билан Чамбилда давридаврон суриб, муроди-мақсадига етди.